БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 97 (17.975). • 26 апрель 1981 йил, якшанба • Баҳоси 2 тийин.

КОЛХОЗЧИЛАР ВА СОВХОЗЛАРНИНГ ХОДИМЛАРИ! ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИХТИСОСЛАШТИРИШ ВА МАРКАЗЛАШТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИНГИЗ!

ЕРДАН, ТЕХНИКАДАН, ЎҒИТЛАРДАН, ЕМХАШАКДАН САМАРАЛИРОҚ ФОЙДАЛАНИНГИЗ!

КЎКЛАМГИ ДАЛА ИШЛАРИ АЪЛО СИФАТЛИ ЎТКАЗИЛСИН!

МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРИБ ВАТАННИ ҚУВОНТИРАЙЛИК!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

ЗАФАРЛАРИМИЗ—БИРИНЧИ МАЙГА

ПРОГРАММАГА МУВОФИҚ

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 24 апрель. (ТАСС). Владимир Коваленок билан Виктор Савиних «Салют-6» — «Союз Т-4» орбитал илмий-тадқиқот комплекси ичида олти ҳафта ишлаб бўлдилар.

Космик материалшунослик программасига мувофиқ космик вакуум ва вазнсизлик шароитларида буғлатиш ва ундан сўнг конденсация қилиш методи билан металл қоплама юқортириш эксперименталари бошлаб юборилди. Кеча космонавтлар шлюз камерада туриб, электр билан қизитиладиган «Қотишма» печини намойиш этдилар ва унинг ўрнига «буғлаткич» аппаратини ўрнатдилар. Бу аппарат ёрдами билан титан металлидан ишланган намуна юзига мис тўзғитилди. Экспериментларни ўтказиш режимларини аниқлаш мақсадида иш жараёнида ўша намунанинг температураси ўлчанди.

Бугунги кун тартибига кўра, Ернинг табиий ресурсларини тадқиқ этиш манфаатлари йўлида жаҳон океани акваториясини кузатиш ва фотосуратга олиш, станция айрим системаларини контрол тарзда текшириб кўриш, жисмоний машқлар билан шуғулланиш кўзда тутилган.

Тиббий текширувлар ўтказиш режасига кўра, эрталаб космонавтлар тана вазнини ўлчадилар, мускуллар аҳволини аниқладилар. (Учиш чоғида мускулларга тушадиган нагрузка жуда оз).

Эртага экипаж комплекс бўлмаларини йиғиштириб тозалайди, телевизион репортажда эса Владимир Коваленок билан Виктор Савиних орбитада қилинаётган ишлар тўғрисида гапириб берадилар. Ҳордиқ чиқаришга ҳам вақт ажратилади.

Иккала космонавтнинг соғлиғи яхши.

Ер атрофи космик фазосидаги тадқиқотлар давом этмоқда.

ХАТЛАРГА СЕЗГИР ВА ҲОЗИРЖАВОБ БЎЛАЙЛИК

Доҳиймиз В. И. Ленин таъбири билан айтганда, меҳнаткашлар хатлари чинакам инсоний ҳужжатлар бўлиб, партиянинг омма билан алоқа боғлашида муҳим восита ҳисобланади. Жонажон партиямиз совет кишиларининг хатлари, таклиф-истаклари ва фикр-мулоҳазаларини ҳамиша қадрлайди. Шу боисдан Коммунистик партия ҳамма муассасалар ва мансабдор шахслардан кишиларга нисбатан меҳрибон бўлишни, уларга мумкин қадар кўпроқ эътибор беришни, улар тўғрисида мумкин қадар кўпроқ ғамхўрлик қилишни талаб этмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездида Марказий Комитет номидан қилган Ҳисобот докладида: «Партиянинг ҳар бир ходими, ҳар бир раҳбар гражданларнинг хатлари, илтимослари ва шикоятларига эътибор ва сезгирлик билан муносабатда бўлишни ўзининг халқ олдидаги, партия олдидаги бурчи, деб қарамоғи лозим», — деб алоҳида таъкидлаб ўтган эди. КПСС Марказий Комитетининг яқинда қабул қилган «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги қарорида ҳам гражданлардан тушаётган ҳар бир хат ва аризани жуда катта эътибор билан қараб чиқиш, аризачиларни қабул қилиш ва уларнинг фикр-мулоҳазаларига, талаб ва эҳтиёжларига ҳурмат билан қараш, тўғри ва очиқ кўнгиллилик билан маслаҳат бериш партия, совет ва хўжалик органлари ходимларининг муқаддас вазифаси эканлиги қайд этиб ўтилган.

Кейинги йилларда республикамизда меҳнаткашлар хатлари ва аризаларини, таклиф ва истакларини кўриб чиқиш, улардан амалий ишларда фойдаланиш, шикоятларни келтириб чиқарадиган туб сабабларни ўрганиш, гражданларни қабул қилиш ва уларга меҳрибонлик кўрсатиш борасида ибратли ишлар олиб борилянти. Бир қатор область, шаҳар ва район партия комитетлари, ижрокомлар, министрлик ва идоралар, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг ҳамда республика партия ва ҳукуматининг меҳнаткашлар хатларини кўриб чиқиш ва уларни қабул қилишни ташкил этиш ишларини янада яхшилаш тўғрисидаги қарорлари асосида хатларни ҳисобга олиш, уларни белгиланган муддатда кўриб чиқишни намунали йўлга қўйганлар. Бу борада ибратли ишлар олиб бораётган Тошкент область партия ташкилотларининг фаолияти таҳсинга лойиқ. Хатлар билан, энг аввал, секретарлар танишиб чиққач, сўнгра улар ҳал этиш муддатини белгилаб, аппарат ходимларига ёки шу масала билан шуғулланувчи масъул ходимга топширади. Хат ёки шикоятнинг натижаси ҳақида белгиланган муддатда яна секретарларга ахборот бериб турилади.

Шу билан бирга, КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги қарорида таъкидлаб ўтилганидек, баъзи партия ва совет органлари меҳнаткашларнинг хатларини кўриб чиқишда бюрократчилик ва сансалорлик қилмоқдалар, хатлардаги кўзбўямачилик ва танқид учун таъқиб этиш фактларига, ишдаги камчиликлар тўғрисида берилган сигналларга етарлича жиддий қарамаётган мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларига баҳо беришда тегишли принципиаллик ва талабчанлик қилмаётирлар. Гражданларни қабул қилиш юзасидан белгиланган тартибга риоя қилмаслик ҳоллари учраб турибди.

«Совет Ўзбекистони»га келаётган хатлар ва аризалар таҳлили шуни кўрсатадики, айрим министрликлар ва идоралар, муассаса ва ташкилотлар шикоят хатларни жойларга бериб камдан-кам текширадилар, аксарият ҳолларда уларни кўриб чиқиб, ҳал этишни қуйи ташкилотларга топшириб қўйиб, қаттиқ назорат остига олмайдилар. Масаланинг ўз вақтида кўриб чиқилмаслиги ва сансалорлик меҳнаткашларни юқори органларга мурожаат қилишга мажбур этмоқда.

Газетхонлардан редакциямизга республика Савдо, Алоқа, Озиқ-овқат, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, Соғлиқни сақлаш министрликлари ва уларнинг жойлардаги ташкилотларида, баъзи область ва район прокуратура, суд органларида меҳнаткашларнинг талаб ва эҳтиёжларига ҳамиша ҳам етарли эътибор берилмаётганлиги ҳақида хат-хабарлар келиб турибди. Шунингдек, кейинги пайтда гражданлардан келаётган мактубларда Самарқанд, Сурхондарё, Жиззах, Қашқадарё областларидаги айрим партия ва совет органлари, хўжалик ташкилотлари раҳбарлари меҳнаткашлар хатлари, ариза ва шикоятлари билан ишлашга етарли эътибор бермаётганликлари ҳақида, гражданларни белгиланган кунларда қабул қилиш яхши ташкил этилмаганлиги, шикоят ва аризалар, таклиф ва истаклар вақтида кўрилмай, чора ва тадбирлар кўриш кечиктирилаётганлиги, айрим жавоблар номигагина ёзилаётганлиги тўғрисида хабар қилинади.

Шуни ҳам айтиш лозимки, баъзан умумий ишимизга фақат зарар етказадиган, партия, совет ва хўжалик органлари ходимларининг қимматли вақтини бекорга оладиган, туҳмат ва бўҳтондан иборат хатларга ҳам дуч келиш мумкин. Партия XXVI съездида таъкидлаб ўтилганидек, бундай хатларга ҳаётимизда ўрин бўлмаслиги керак!

Хат-хабарлар билан ишлаш ва уларни вақтида кўриб чиқиш, гражданларни қабул қилиш ишларини тубдан яхшилаш учун зарур чоралар ва амалий тадбирлар кўриш — область, район ва шаҳар партия комитетлари, ижрокомлар, министрлик ва идоралар, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотлари, муассасалар, колхоз ва совхозлар раҳбарларининг муҳим вазифасидир. Жумладан, КПСС Марказий Комитетининг қарорида қайд этилганидек, меҳнаткашларнинг хатлари билан ишлашни ҳамда уларни қабул қилишни ташкил этишни такомиллаштириш масалалари корхоналар ва муассасалар, министрлик ва идоралар бошланғич партия ташкилотларининг кун сайин диққат-марказида турмоғи лозим.

Шикоят ва аризаларни кўриб чиқиш ишига партия, касаба союз, комсомол активларини, маҳаллий Советлар депутатларини, халқ контроли ходимларини янада кенг жалб этиш керак. Гражданлар хат-хабарлари билан шуғулланиш ва уларни қабул қилиш маданиятини тубдан яхшилаб, ходимларни кишиларга нисбатан ҳурмат-эътибор билан қараш руҳида тарбиялаб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

Хатга эътибор— элга эътибор, деб халқимиз бежиз айтмайди. Демак, ариза ва шикоятларга, таклиф ва истакларга ўз вақтида аниқ ва пухта жавоб қайтариш, масалани ижобий ҳал этиш ҳар бир раҳбарнинг, ҳар бир ходимнинг муқаддас бурчидир.

Сурхондарё области. Қумқўрғон районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг пахта далаларида чигит тўла ундириб олиниб, шу кунларда ёш ниҳоллар барқ уриб ўсмоқда. Хўжалик деҳқонлари экинларга дастлабки ишлов бериши бошлаб юборишдилар.

Қизилоктябрчилар ўн биринчи беш йилликда пахтадан юқори ҳосил олиш учун курашиб, 1458 гектар майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан хирмон кўтаришга аҳд қилишган. Бу эса планда кўрсатилган даражадан 13 центнер кўп. Суратларда: ёш ниҳолларга ишлов бериш ҳамда колхознинг илғор бригада бошлиқларидан Т. Чориев, тракторчи Ч. Нурмаматов ва колхоз раиси Э. Остонақулов ўртоқлар.

Г. Пунь ва Э. Хўжаев фотолари. (ЎзТАГ).

МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛАДИ

УРГАНЧ, 25 апрель. (ЎзТАГ). Қўш орденли Хоразм областининг меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили учун юксак мажбуриятлар қабул қилдилар. Улар КПСС XXVI съездининг тарихий қарорларини амалга оширишга зўр ғайрат билан киришдилар. Лекин бу йилги баҳор областда катта қийинчиликлар келтирди. Кучли ёққан жала натижасида тошиб кетган сув экинларга зарар етказди, уй-жойлар, чорвачилик биноларини шикастлантирди, транспорт ва алоқани издан чиқарди.

Область партия-хўжалик активининг бугун бўлиб ўтган йиғилишида қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг ана шундай оғир шароитда сўзсиз бажарилишини қандай қилиб таъминлаш тўғрисида гаплашиб олинди. Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойбергановнинг табиий офат оқибатларини тугатиш ва экиш-тикиш ишлари суръатини жадаллаштириш, чигит ва шоли экишни ўз вақтида ва юксак агротехника даражасида тугаллаш учун ҳамма ишларни қилишга интилмоқдалар.

Йиғилиш қатнашчилари область меҳнаткашлари табиий офатга коллективчилик, мардлик, уюшқоқлик, аниқ ҳаракатни қарши қўйганликларини таъкидладилар. Барча резервларни моҳирлик билан ишга солиб, жала оқибатларини бартараф этишга қатъий киришган район ва хўжаликлар, меҳнаткашлар мисол қилиб келтирилди.

Сўзга чиққан нотиқлар барвақт, юқори сифатли ҳосил етиштириш учун шарт-шароитларни яратиш мувафақиятнинг асосий шарти эканлиги ҳақида гапирдилар. Бунинг учун экишни гоят тиғиз график асосида ўтказиш лозим. Экиш техникасини ҳозир бир участкадан иккинчи участкага кўчириш учун ҳеч қандай зарурат йўқ: ҳамма майдонлар экин экиш учун тайёр. Бу эса вақтдан ютиш имконини беради. Нотиқларнинг сўзларида ҳамма жойда чигитни аниқ экиш усулини жорий этишга, ўсимликларни ҳимоя қилиш биостимуляторларини кенгроқ қўллашга, ҳар гектар ердан мўл ҳосил олиш учун курашни ташкил этишга алоҳида эътибор берилди.

Чорвачиликнинг саноат негизига кўчирилганлиги туфайли чорвачилик маҳсулотлари, айниқса парранда гўшти ва тухум етиштиришни кескин равишда кўпайтириш учун шарт-шароитлар яратилаётганлиги ҳам уқтириб ўтилди. Мустаҳкам ем-хашак запасини вужудга келтириш йўлида пичан ўримини яхши ўтказиш, бунинг учун машина-механизмларни тайёрлаб қўйиш, ихтисослашган бригадалар тузиш зарур.

Сўзга чиққан нотиқлар область партия ташкилотларининг бутун ташкилотчилик ва сиёсий иш савиясини янада ошириш зарурлигини таъкидлаб ўтдилар. План ва социалистик мажбуриятларни тўла ва ошириб бажариш учун ўтказилаётган мусобақани янада кенг авж олдириш лозим. Хоразм областининг меҳнаткашлари партия ва ҳукуматнинг оталарча ғамхўрлигига зарбдор меҳнат билан, табиий офат оқибатларини бартараф этиш ишларини жадал олиб бориш билан жавоб қайтаришлари лозим.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Йиғилиш иштирокчилари ўз ваъдасига содиқ бўлган хоразмликлар барча қийинчиликларни шараф билан бартараф этиб, сўз берганларидек, 415 минг тонна «оқ олтин» етиштиришдан, шоли, чорвачилик маҳсулотлари ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан зиммаларига олган мажбуриятларини бажарадилар, деб ишонтирдилар.

ПАРТИЯ КАДРЛАРИНИНГ БИТИРИБ ЧИҚИШИ

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академияси сиртқи бўлими дастлабки тингловчиларининг битириб чиқиш маросими бўлди. Битириб чиққанлар орасида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг секретарлари, КПСС Марказий Комитетининг ва марказий идеология муассасаларининг масъул ходимлари, автоном республикалар Министрлар Советлари ҳамда область ва ўлка ижроия комитетларининг раислари, уларнинг ўринбосарлари, министрлар, республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, КПСС ўлка ва область комитетларининг бўлим мудирлари, бошқа масъул ходимлар бор.

Уч йил давомида тингловчилар марксизм-ленинизм назарияси ва коммунистик қурилиш практикаси, КПСС-нинг ички ва ташқи сиёсати, идеология фаолиятининг актуал масалаларини ўргандилар. Якуновчи босқичда КПСС XXVI съезди қарорлари, Л. И. Брежневнинг «КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига Ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари» тўғрисидаги доклади чуқур ўрганилди.

Тингловчилар ҳузурида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин, ВЦСПС раиси А. И. Шибаев, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Б. Н. Пастухов, КПСС Марказий Комитетининг, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Госплани, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети, марказий идеология муассасаларининг бошқа масъул ходимлари сўзга чиқдилар.

24 апрель куни бўлиб ўтган тантанали йиғилишда битириб чиқувчиларга академиянинг дипломлари топширилди. Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга табрикнома қабул қилдилар.

ЮКСАК МУКОФОТ

СССР Олий Совети Президиуми Совет Иттифоқи билан Германия Демократик Республикаси ўртасида қардошларча дўстликни мустаҳкамлаш ишидаги катта хизматлари учун ва туғилган кунига етмиш йил тўлиши муносабати билан ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ГБСП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Пауль Фернерни Октябрь Революцияси ордени билан мукофотлади. (ТАСС).

БМТ БОШ СЕКРЕТАРИНИНГ СССРГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари Курт Вальдхайм совет ҳукуматининг таклифига биноан шу йил май ойининг биринчи ўн кунлигида расмий визит билан Совет Иттифоқига келади.

ВИЗИТ ТУГАДИ

Қувайт давлати Бош министрининг Ўрин[illegible]ари ва ташқи ишлар министри шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ 25 апрель куни Москвадан жўнаб кетди. У Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан СССР[illegible]

Аэродромда меҳмонни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар

(ТАСС).

ҚАШҚАДАРЁЛИКЛАР ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛАМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТЬ ЧОРВАДОРЛАРИНИНГ 1981 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ МАЪҚУЛЛАДИ, РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИНИ УЛАРДАН ИБРАТ ОЛИБ, 1981 ЙИЛДА ЧОРВА МОЛЛАР ТУЕҚ СОНИНИ ОШИРИШ, ГЎШТ, СУТ ВА БОШҚА МАҲСУЛОТЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ, ЕМ-ХАШАК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ДАЪВАТ ЭТДИ. РАЙОНИМИЗ ЧОРВАДОРЛАРИ ТАШАББУСГА ҚЎШИЛАДИЛАР. МАҲСУЛОТЛАРНИ КЎПАЙТИРАДИЛАР, ҲАР 100 СОВЛИҚДАН 150 ТАДАН ҚЎЗИ ОЛАДИЛАР, 100 СОВЛИҚ ҲИСОБИГА 100 ТА ҚЎЗИНИ ЎСТИРИШГА ҚОЛДИРАДИЛАР.

Районимиз қорақўлчиликка ихтисослаштирилган. Қўйлар сони, маҳсулотлар миқдори йил сайин кўпайтирилянти. 1981 йил охирига бориб, қўйлар ва эчкилар сонини 395 минг бошга етказишимиз керак. Шу мақсадда 395 минг бошдан эиёд совлиқни қўзилатишимиз, ҳар 100 бошидан 150 тадан қўзи олишимиз, қорақўл тери тайёрлаш планини бажаришдан ташқари 157.700 қўзини ўстиришга қолдиришимиз, шундан 137 минги урғочи қўзилар бўлишини таъминлашимиз керак. Жун миқдорини қўй боши ҳисобига 3,2 килограммга кўтаришимиз, қўйларнинг тирик вазнини 50 килограммга етказиб ғўштга топширишимиз лозим.

Юксак мажбуриятни шараф билан бажариш учун нималар қилинди, яна нималар қилиш керак? Биз шу ҳақда фикр юритмоқчимиз. Районимиз бўйича 100 минг бошга яқин совлиқ қўзилади. Ҳар 100 бош совлиқ ҳисобига деярли 170 тадан қўзи олинди. 100 бош совлиқка 100 та қўзи ўстиришга қолдириш, урғочи қўзи келаси йили эгиз қўзилар берадиган совлиқдир. Уларни кўпайтириш ва асраш керак. Район партия комитети илғорлар тажрибасини ҳаммаларнинг мулкига айлантириш чораларини кўрмоқда.

Қорақўл тери — давлат мулки, ҳазинани бойитади. Тери тайёрлаш планларини бажаришимиз шарт. Лекин қўзиларни сўйишга ажратишда шошма-шошарлик, пала-партишликкка йўл қўймаслигимиз керак. Бир бош урғочи қўзининг беўрин сўйилиши келгусида камида уч бош қўй бой берилди дегани. Мутахассислар масъулияти оширилиши, чўпон-чўлиқларга талаб кучайтирилиши, бобо чўпонлар отарларда бўлиб, кўмаклашишлари лозим.

Афсуски, айрим жойларда камчиликларга йўл қўйилянти. Ҳозир ҳаво салқин, кўк ўтлар барқ уриб ўсянти. Эртаги қўзилар ўстиришга кўпроқ қолдирилса обҳаво ва иқлим шароитига тез кўникиб, соғлом ўсади. Амалда шундай қилинмай, терига сўйиб юборилмоқда. Айрим жойларда эркак қўзилар қаторида урғочи қўзилар ҳам сўйилянти. Урғочи қўзиларни ўстиришга сақлаб қолмасак, келгусида туёқ сонини қандай кўпайтирамиз? Ҳар бир отарда назоратни кучайтирмоғимиз, белгиланган топшириқни тўла ва ошириб бажараётган чўпон-чўлиқларни рағбатлантирмоғимиз, қоидадан четга чиқаётганларни қаттиқ тартибга чақирмоғимиз даркор. Ҳар 100 бош совлиқ ҳисобига камида 100 та қўзини ўстиришга қолдирайлик! Шиоримиз шундай бўлмоғи, шунга эришмоғимиз керак.

Совлиқлардан кўплаб эгиз қўзилар олиниянти. Эндиги вазифа парваришни кучайтиришдан иборат. Отарларда қўзилаган ва қўзилайдиган совлиқлар қўшимча тўйимли ва ширали озуқалар билан боқилиши шарт. Энг муҳими, вақтида суғорилиши, вақтида яйлов кездирилиши, зарур топилганларига зоотехника ёрдами кўрсатилиши лозим.

Фермалар, отарларда яхши насл бермайдиган, чимхўр, касалликка чалинган қўйлар ҳам боргилдан кўз юма олмаймиз. Улар ўрнини наслли тўхлилар билан алмаштириш учун эркак қўзилардан энг соғлом, бақувватларини сақлаб қолишимиз зарур. Урғочи қўзиларни саралаш, ўстиришга қолдириш нечоғли муҳим иш бўлса, эркак қўзиларни сақлаб қолиш ҳам шунчалик муҳимдир. Мутахассислар ҳар дақиқада бу масалани ижобий ҳал қилишга бош-қош бўлмоқлари даркор. Биз энг сеғўт, кўк майсали яйловни қўзилар, тўхлиларни боқишга ажратамиз, улар совлиқлардан ажратилиши билан ўша яйловларга ҳайдалиб боқилади.

Қўзилатиш мавсуми давомида ҳаво ўзгариб туради, шамол-бўронлар, ёғингарчиликлар бўлади, бирдан ҳаво иситё, ҳарорат кўтарилади. Ушандай кезларда ўстиришга қолдирилган қўзилар нимжонланмаслиги, касалликка чалинмаслиги учун зоотехника хизматини кучайтириш, чўпон-чўлиқларнинг ҳушёрлигини ошириш керак. Барча фермалар ва отарларда зоотехника постлари ишлаб турибди. Ўндан ташқари чўпон-чўлиқларга ёрдам бериш учун партия, совет, комсомол активлари, маҳаллий Советларнинг депутатларидан кўмакчилар ўборилган. Чорвадорларнинг оила аъзолари ҳам бу муҳим ишда фаол қатнашмоқдалар.

Чорвадорлар яйловлар, қўзилатиш ва қўзи сўйиш пунктларида яшаб, меҳнат қилмоқдалар, куч-ғайратларини мавсумни аъло даражада якунлашга сарфламоқдалар. Район партия ва совет ташкилотлари яйлов баҳо-дирларининг самарали ишлашлари учун ҳамма шароитларни яратиб бермоқда. Оммавий-ташкилий ва идеология ишлари қўзилатиш мавсумининг тақдири ҳал қилинаётган жойларда олиб борилянти, социалистик мусобақа кучайтирилянти.

Ҳалол меҳнат билан мавсумни қорақўлчиликда энг юқори кўрсаткичларга эришилган йилга айлантирайлик!

Норбой ЭРГАШЕВ,
Нурота районидаги «Ғозғон» совхози бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Чўли ХУЖАҚУЛОВ,
Ленин номли совхоз бош чўпони, КПСС XXVI съезди делегати.

Абдуназар УМАРОВ,
шу совхоз бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Файзихон ҚУНУСОВ,
«Қизилча» совхози бош чўпони, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

24 апрель куни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громиконинг расмий визити билан Совет Иттифоқига келган Кувайт давлати бош министрининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри шайх Сабоҳ ал Аҳмад ал Жобир ас Сабоҳ билан музокаралари бўлиб ўтди.

Дўстона, амалий вазиятда ўтган музокаралар чогида Яқин Шарқдаги ва Форс кўрфази районидаги аҳвол кўриб чиқилди, ҳозирги халқаро аҳволнинг баъзи бир энг муҳим проблемалари, шунингдек Совет — Кувайт муносабатларининг ривожи муҳокама қилинди.

А. А. Громико КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Ранси Л. И. Брежневнинг КПСС XXVI съездида ҳозирги замонниг энг зарур проблемаларини ҳал этиш юзасидан таклиф этган конкрет тадбирлари программаси тўғрисида Кувайт томонига ахборот берди, бу программа Совет Иттифоқининг ер юзида тинчликни сақлаб қолиш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилишга азму қарор берганини ифодалашини айтди.

Иккала томон Форс кўрфази районида ажнабий ҳарбий базалар вужудга келтирилишига, у ерда ядро қуроли жойлаштирилишига қарши, шу районда жойлашган давлатларнинг ички ишларига ташқаридан ҳар қандай шакладаги аралашувга қарши эканини айтди.

Яқин Шарқ районидаги воқеалар хатарли равишда ривожланиб бораётганлиги муносабати билан Исроилнинг кўпни араб мамлакатларига қарши агрессив ҳаракатлари, унинг 1967 йилда босиб олинган араб ерларида мустаҳкамланиб қолиш, шу мақсадда Кэмп-Дэвид келишувидан фойдаланиш йўлидаги уринишлари кескин қораланди.

АҚШнинг шу районда ўз қуролли кучларини муқим жойлаштириб олиш йўлидаги ҳаракатлари, Унинг бу ерда ўз паноҳи остида ҳарбий-сиёсий уюшма тузишга интилаётганлиги вазиятни кескинлаштираётган бош сабаб эканлиги, бу нарса Яқин Шарқда одилона ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун янги катта қийинчиликлар туғдираётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Совет Иттифоқи билан Кувайт Яқин Шарқ муаммосини ҳар томонлама узил-кесил бартараф этишга эришиш йўлидаги курашни давом эттиришга аҳд қилганликларини таъкидладилар. Томонлар шу мақсадда Яқин Шарқ юзасидан Фаластин Озодлик ташкилоти тенг ҳуқуқли асосда албатта қатнашадиган халқаро конференция чақириш кераклигини айтдилар.

А. А. Громико билан Сабоҳ ал Аҳмад Совет Иттифоқи билан Кувайт ўртасида иккала мамлакатнинг ўзаро манфаатлари ва ялпи тинчлик манфаатларига хизмат қиладиган дўстона муносабатлар ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этдилар. Шу муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириштга иккала томоннинг интилиши айтиб ўтилди.

* * *

А. А. Громико шайх Сабоҳ ал Аҳмад ал Жобир ас Сабоҳ шарафига зиёфат берди. Зиёфатда дўстона қадаҳлар кўтарилди.

(ТАСС).

УЛКАН ТАЛАНТ

АБРОР ҲИДОЯТОВ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 80 ИЙЛЛИГИГА

Аброр Ҳидоятов совет театр санъатининг азим чинорларидан бири. У ўз ижодий фаолияти билан ўзбек актёрлик санъатини жаҳонга танитишгина қолмай, айни замонда умумсовет театри тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшган санъаткордир.

Ҳа, Аброр Ҳидоятов — бу ноёб истеъдод, улкан маҳорат, беқиёс санъат соҳибигина эмас, балки, бутун бир бадиий воқеликдир. У ўзбек халқининг ўтмиши, ҳозири ва келажаги билан чамбарчас боғланиб кетган.

Ун етти ёшида «Аврора» замбарагининг гумбирлаб, янги замон бошланганидан дарак берди. Аброр илм ва санъатга ташналик билан янги очилган «Ватан» мактабига шаҳдам қадам ташлади. Дутор чалди, қўшиқ айтди — кўзга ташланди. Орадан атиги бир йил ўтгач, Маннон Уйғур уни Карл Маркс номли труппага таклиф этди. Тўрт-беш йил ичидаёқ Аброр Ҳидоятов ёш ўзбек театрининг пешқадам актёрларидан бирига айланди. Драматург Ғулом Зафарий 1921 йилда «Ҳозирда ўзбеклардан драмада биринчи Уйғур ўртоқ, иккинчиси, шогирди Аброр ўртоқдир», деб ёзганида тамомила ҳақли эди. Зеро, санъаткор «Ҳалима», «Лайли ва Мажнун», «Аршин мол олон» музикали драмаларида Неъмат, Мажнун ва Асқар ролларида чиқиб, томошабинларнинг олқишига, меҳр-муҳаббатига сазовор бўлган эди. Яна баҳодир ва характерли ролларда ўйнади. Шамсиддин Самибекнинг «Кўкан оҳангар» драмасида темирчи Кова, Шиллернинг «Макр ва муҳаббат» трагедиясида ёвуз ва маккор Вурм образларини яратиб, ўз актёрлик қўламининг кенглигини намойиш этди, Аммо Аброр Ҳидоятов саҳна маҳоратини илмий ўзлаштириш зарурлигини жуда чуқур англаб, 1924—27 йилларда Москвада очилган ўзбек драма студиясида рус театри усталаридан таълим олади. Бу даврда яратилган Хасис Гарпагон (Мольер, «Хасис»), Нёгр Боб (Билль-Белоцерковский, «Акс садо»), шаҳар ҳокими (Н. В. Гоголь, «Ревизор»), шаҳзода Қалаф (К. Гоцци, «Маликаи Турандот») образлари актёр камолотида муҳим бўлди.

Шундай қилиб, Аброр Ҳидоятов ижодининг биринчи даврида (1919—1935 йиллар) ҳаётни ва саҳна санъатини чуқур ўрганди, маҳорат сирларини эгаллади, ўз ижодий мавзуига, ижро услубига эга бўлди, социалистик реализм негизида ижод қилувчи романтик актёр сифатида шаклланди.

Шекспирнинг «Ҳамлет» трагедиясида бош қаҳрамон образини яратиш билан актёр ижодининг иккинчи даври бошланди. Совет театр жамоатчилиги, чет эллик театр муҳлислари спектаклга ва Ҳамлет роли ижросига юксак баҳо бердилар. Чех ёзувчиси Юлиус Фучик ўша 1935 йилда шундай деб ёзган эди: «Бу чинакам шекспирона «Ҳамлет», гўзал драма, унинг фожиасини бевосита, кучли ҳис этасан киши. Тилни билмайсан-у, бироқ, шундай бўлса ҳам, Шекспирнинг ҳар бир сўзини эшитиб турасан. Актёр ҳаракатлари, юриш-туриши, қўл ифодалари билан гапирадики, бу катта, зўр театр маданиятидан дарак беради. Бунчалик яхши қўйилган «Ҳамлет» Европанинг энг яхши театрлари постановкаси билан беллаша олади».

Дарҳақиқат, Аброр Ҳидоятов яратган Ҳамлет фақат ўзбек театридагина эмас, балки, умуман совет саҳна санъатида эришилган жиддий ютуқлардан бири бўлди.

Санъаткорнинг энг кучли, алпона ижодларидан бири 1939 йилда яратилган Ғофир (Ҳамза, «Бой ила хизматчи») образидир. Рус ёзувчиси Александр Дейч «Ғофир образининг заҳматкаш халққа хос оптимизм билан суғорилгани Аброр Ҳидоятовга ёқиб тушди ва у бу қаҳрамонни масъумлик ва шу билан бирга олижаноблик қайфиятда гавдалантирди», деб ёзган эди. Ҳа, актёр дастлабки кўринишдаёқ Ғофирни яшириндан ички гўзаллик ва қудратга эга ҳамда бирмунча ўйчан қилиб кўрсатди. Воқеалар давомида Ғофир — А. Ҳидоятов ўзгариб боради, пировардида исёнкор ва курашчига айланади.

Шекспирнинг 1941 йилда саҳналаштирилган «Отелло» трагедиясида Аброр Ҳидоятов Ҳамлет ва Ғофир образларида эришган муваффақиятларини мустаҳкамлади. Жамоатчилик, матбуот, чет эллик келган меҳмонлар Аброр Ҳидоятовни Отелло ролининг энг моҳир ижрочиларидан бири сифатида қайд қилган. Чунончи, 1945 йилда инглиз парламент делегацияси театрнинг таассуротлар дафтарига шундай деб ёзган эди: «Биз пьесанинг бундай яхши қўйилганини ҳеч қачон, ҳеч қаерда, ҳатто Лондонда ҳам кўрмаган эдик. Биз, айниқса Отелло билан Дездемона ролини ўйнаган артистлар маҳоратига қойил қолдик».

Гўзаллик ва покликка бўлган буюк ишонч, атрофдаги одамларнинг ҳаммасини бир хилда ўзидай тўғри сўз, олижаноб ва саховатли деб тушуниш Отелло — А. Ҳидоятов характери моҳиятини ташкил қилади. Бироқ, бу Отеллога рашк туйғуси бегона деган сўз эмас. У рашк қилади, лекин бу туйғу унинг эзгулик, гўзаллик ва аҳду вафо гармониясига тўғрисидаги тасаввурининг Яго маккорлиги туфайли чил-парчин бўлганига аввалида гумон билан, охири ишонч ҳосил қилганида пайдо бўлган кучли ички изтироблар билан бирга қўшилиб, Отелло — А. Ҳидоятовнинг метин ирода, кучли ақл ва катта қалб эгаси эканини, ўз замонасидан жуда илгарилаб кетганини кўрсатади. Натижада Аброр Ҳидоятов Отеллоси Ғаро мамлакатларидаги баъзи трагик актёрлар талқин этгани каби рашк ўтида қоврилиб ўзини йўқотган ва даҳшатли тусга кирган мавр эмас, балки, чин муҳаббат, гуманизм ва инсоний етуклик учун курашадиган буюк, қудратли инсон қиёфасида гавдаланади. Адолатсизлик ҳукмрон бўлган бир замонда, шахсиятпарастлик, диёнатсизлик, хиёнат ва фисқу фужур авж олган бир муҳитда Отелло — А. Ҳидоятовнинг ҳар кимсага ишонавериши, ўзидай тўғри ва ҳалол деб билиши уни мудҳиш фожиага, ҳалокатга олиб келади.

Отелло ролини артист умрининг охиригача (18 йил давомида) 500 маротаба ўйнади. Унинг ҳар чиқиши томошабинлар учунгина эмас, санъаткорлар учун ҳам чинакам байрам эди.

Аброр Ҳидоятовнинг Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна», Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий», Уйғуннинг «Ҳаёт қўшиғи» драмаларида ижод қилган Муқанна, Навоий ва Нурмат ота образлари ҳам забардаст бўлган. Хусусан, Навоий ролида актёр буюк боббоколонимизнинг донолиги, тадбирли арболиги, инсонпарварлиги ва эҳтиросли ошиқлигини чуқур ички ҳис ва нафосат билан тасвирлаб, жиддий ижодий ютуқларни қўлга киритади. Артист 1948 йилда Навоий роли учун СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Аброр Ҳидоятов драматург ва режиссёр талқинининг оддий ижрочиси эмас, балки, умр бўйи изланган, ижод заҳмати ва ташвиши билан яшаган, ҳар қандай ролда бутун истеъдоди, ақл-идроки, илҳом ва маҳоратини ишга солиб, спектакль авторларига ҳам муаллифлик қилган том маънодаги ижодкор актёр эди. Ҳар бир янги ролда инсон характерининг янги-янги қирраларини кашф этди. У ўйнамади, артистлиги, маҳоратини кўз-кўз қилмади, балки, ниҳоятда теранлик ва ҳаяжон билан ўша шахсларнинг ички дунёсига шўнгиди ва уларнинг ҳаёти билан яшади.

Ҳа, Аброр Ҳидоятов — ўзбек актёрлик санъатидаги романтик йўналишга асос солган, мактаб яратган бетакрор санъаткор. У Ҳамлет ва Ғофир, Отелло ва Навоий каби образлари билан ўзбек театри тарихида ўчмас саҳифалар ёзиб қолдирди, санъатимиз довруғини оламга ёйди.

Аброр Ҳидоятов ўз ижоди билан, абадий барҳаёт образлари билан халқимиз қалбидан чуқур жой олди ва ўзига ҳайвал ўрнатди. Унинг ижоди ва ҳаёти санъатимиз келажаги учун ҳам йўлчи юлдуз, санъаткорлар учун абадий маҳорат мактаби ва илҳом манбаи бўлиб қолади.

Муҳсин ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.

ПАССАЖИР ТРАНСПОРТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРИДА

24 апрель куни Кремлда СССР Олий Совети Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети транспорт ҳамда алоқа доимий комиссияларининг қўшма мажлиси бўлди. Татаристон АССР ва Олтой ўлкаси аҳолисига пассажир транспортида хизмат кўрсатишнинг аҳволи тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Депутатларнинг докладларида ва нутқларида шу нарса қайд этиб ўтилдики, ўнинчи беш йилликда аҳолини ташишнинг асосий ҳажмини бажарувчи умумий фойдаланишдаги автомобиль ва электр транспортида пассажирлар ташиш обороти Татаристон АССРда 34,6 процент, Олтой ўлкасида эса 52,8 процент ошди. Автобуслар, трамвайлар ва троллейбуслар анча кўпайди. Транспорт корхоналарида меҳнатнинг ҳамда пассажир ташиш жараёнларини бошқаришнинг илғор методлари жорий этилмоқда: ўн биринчи беш йиллик биринчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақа кенг авж олдирилмоқда.

Шу билан бирга қайд этиб ўтилдики, пассажир транспорти ишини ташкил этишда ҳали жиддий камчиликлар мавжуд бўлиб, ҳаракат составидан самарали фойдаланиш, шаҳар ичидаги, шаҳар атрофидаги ва шаҳарлар ўртасидаги пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш борасидаги талайгина резервлар сусткашлик билан ишга туширилмоқда.

Қабул қилинган қарорда аниқланган камчиликларни бартараф этишга, автоном республика билан ўлкада пассажир транспорти ишини ташкил этиш ҳамда аҳолининг юк ташишга бўлган ва ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини қондириш соҳасидаги мавжуд резерв ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш юзасидан қўшимча тадбирлар кўришга қаратилган тавсиялар берилган. Иқтисодий ва социал ривожланиш планларини ишлаб чиқиш чоғида транспорт ташкилотлари ва корхоналарининг ишлаб чиқариш техника базасини мустаҳкамлаш чораларини кўзда тутиш тавсия этилди.

Мажлис ишида СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Баркаускас, бир қанча министрликлар ва идоралар-нинг раҳбарлари иштирок этдилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти 1981 йил 22 апрель куни Кремлнинг Съездлар саройида В. И. Ленин туғилган кунинг 111 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари К. У. Черненконинг «Ленин таълимотига амал қилиб, ленинчаларга ишлайлик» деган мавзудаги докладини алоҳида китобча қилиб ўзбек тилида босмадан чиқарди. Китобча кўп нусхада нашр этилган.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия ва совет органларида кўп йил, самарали ишлаганлиги, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда актив қатнашганлиги ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари ўртоқ Александр Иванович **Аникинни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада театр санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун Хоразм область Отахий номли ўзбек давлат музикали драма ва комедия театрининг солисти ўртоқ Отамурод **Бекчоновга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада тасвирий санъатни ривожлантиришдаги хизматлари учун плакатчи рассом Фарух Абдуллаевич **Кагаровга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўқитувчи кадрлар тайёрлаш ва тарбиялашдаги хизматлари учун Андижон давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедрасининг доценти ўртоқ Ибодат Ғиёсовна **Зкёвага Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маориф ходими»** фахрий унвони берди.

«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист» фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада соғлиқни сақлашни ривожлантиришдаги хизматлари учун СССР адабиёт фонди Ўзбекистон бўлими ёзувчилари поликлиникасининг бош врачи Суннатулла Лутфуллаевич **Саъдуллаевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада соғлиқни сақлашни ривожлантиришдаги хизматлари учун Сурхондарё область физиотерапия касалхонасининг бош врачи ўртоқ Саттор **Салимовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада тасвирий санъатни ривожлантиришдаги хизматлари учун плакатчи рассом Фарух Абдуллаевич **Кагаровга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»** фахрий унвони берди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада халқ рақс санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун Хоразм областининг К. Отаниёзов номли давлат филармониясининг балет артисти ўртоқ Гавҳар **Мэтёқубовага** «Ўзбекистон ССР олий совети президиумининг фахрий ёрлиғи» ва «Ўзбекистон ССР олий совети президиумининг фахрий унвони» берилган Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи ва фахрий унвонлари ана шундай ҳаётий ва ижодий ютуқлар учун берилмоқда.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

ИНҚИЛОБ БАҲОРИ

Шу кунларда Афғонистон Демократик Республикасининг меҳнаткашлари ўз тарихидаги шонли сана — 1978 йил 27 апрель куни Афғонистон Халқ демократик партияси раҳбарлигида феодализмга, империализмга қарши қилинган революциянинг уч йиллигини кенг нишонлямоқдалар. Апрель революцияси мамлакатни демократик мустақил ривожланиш йўлига олиб чиқди, илғор социал-иқтисодий ўзгартишларни амалга ошириш истиқболларини очди.

Агар Кобулга йўлингиз тушса, пойтахтнинг Майванд минораси рўпарасида бир нафас тўхтанг. Бу минора эмас, балки ватанпарварларнинг бўйин эгишга ўрганмаган қомати. Бу — минора эмас, балки жасур афғон қизи, шоира Малолайнинг осмонга шамдай қадалган темир иродаси.

Воқеа тафсилоти бундай: 1880 йил, Қандаҳор вилояти, Майванд қишлоғи. Инглиз босқинчилари билан оғир жанг бормоқда. Афғон аскарларининг қўли баланд, лекин шаҳидлар ҳам йўқ эмас. Сўнгги, ҳал қилувчи жанг бошланади. Инглизлар афғон байроқдорини ярадор қиладилар, унинг қўлидан миллий байроқ тушиб кетади. Шунда шоира Малолай байроқни даст кўтариб, аскарларни ҳужумга бошлайди:

Ор ила, номус ила
Майвандда ўл!
Эки мардлар билан
бирга майдонда бўл!

Афғон халқининг асил фарзандлари кўтарган байроқ бугун Савр инқилоби қаҳрамонлари қўлида. Бу озодлик тенглик, адолат байроғидир.

Инқилоб! Бу меҳнаткашга жон қадар, нафас қадар азиз! У аждоллар дилидаги армон эди, ҳозирги авлодлар кўнглида чечак отди.

Савр инқилоби, баҳорий инқилоб! Сен кўклам билан эгачисан! Революцияда ҳам баҳорий бир қудрат, баҳорий бир руҳ бор. У ҳам кўклам сингари юртни яшнатади, яшартиради, одамнинг кўнглига булбул навосини солади. Димоғига гули раъно-лар атрини уфуради. Одамзодга баҳорий кайфият бахш этган инқилоб унинг руҳи ва жисмини янгилаб вужудига кураш руҳини, ҳаёт ишқини олиб киради.

Ҳамма замину замонларда социал инқилоб саройларга уруш эълон этиб, қулбаларга тинчлик ато этган. Ишчига — иш, деҳқонга — ер, ҳалойиққа — нон, ризқу-рўз улашган.

Илгари жон берган нонунасиба ҳам беради деган нақл юргузчи эди. Синфий кураш майдонида эса ҳар бир меҳнаткаш эрк учун одамдек яшаш ҳуқуқи учун, ноқулай ҳолати учун капитал билан олишади. Пировардида уни маҳв этади.

Контрреволюция ҳам очиқнинг аёшак қўли билан Савр инқилобини бўғиб ташлашга озмунча уриниб кўрмади. Ноя заводларига ҳужум, уларни ишдан чиқаришга уринишлар, дўкондорни тўғри йўлдан оздирмоқ учун ишлатилган ҳийла-найранг, дўқ-пўписалар; «Дўконни очманг!» деган даъватлар: буларнинг ҳаммаси барбод бўлди, букилмас ҳақиқу-ҳақиқат йўлидаги кураш давом этмоқда...

Афғонистон — аввало деҳқон мамлакати, давлатнинг миллий даромади қўшчининг пешона теридан бунёдга келади. Умрида биринчи бор ер-сувли бўлган деҳқон ҳаёлига аввалам бор нима келганийкин? Ўпкаси тўлиб кўзидан ёш чиқиб кетган онни сездимикин?!

Шаҳри

Ер ҳақидаги васиқани кўз пешонасига суваётганда «Ким эдим-у, ким бўлдим?!» дея дунёга жар солиси келиб қолгандир. Ахир унинг азиз боши узра қон ялаган заминдорларнинг қамчиси ўйнаб турмасмиди?! Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир ҳаромхўрлар далачи бечорани кафангадо қилиб кетмасмиди?!

Неча-неча ғеллар ҳаёт чиғириқдек, чарху-фалакдек ана шу зайлда кечаверди. Сой-сойга оқди, бой-бойга боқди, Камбағалга қайишгувчи бўлмади...

Савр инқилоби ғаллакор ва пахтакорнинг жами ер заҳматкашларининг жонига оро кирди. «Ер — сув ишлаганники», «Меҳнат қилган — роҳат ҳам кўради!» Революциянинг шиорлари ана шундай!

Афғонистонда етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма мукка тушиб ҳарф ўрганишмоқда. Тут таги ҳам, садақайрагоч ёки чинор соғи ҳам баъзан дарсхона. Ярим миллион одам чала саводлар курсида ўқимоқда. Бу ҳар қалай келажакда минг-минглаб оқуқорани таниган зиёли одамлар етишиб чиқади деган сўз. Бу яни тузумнинг замини бағоят мустаҳкам бўлади деган гап.

Афғонистонлик дўстим, замондошим, қардошим! Янги жамият қуриш йўлидаги саъйи ғайратингни кўриб қувониб турибмиз. Инқилоб бўронларида сарлочиндек учавер, душманларинг бундан буён ҳам кўршапалакдек қочаверсин! Зероки ҳақиқат ва адолат сен томондадир.

Зероки, баҳорда туғилган, боши ҳамиша халқнинг кўксида бўлган Савр инқилоби кўклам ва ҳаётдек абадийдир. Чунки ҳар бир афғон фарзанди — революция зарраси, инқилоб учқуни, халқ буюк дарёсининг бир томчисидир.

А. АБДУҚОДИРОВ,
Н. ХОЛИҚОВ.

Суратда: Инқилоб жангчиларидан бири — Абдулла Равшан. Ғазна вилоятидан бўлган бу ўқитувчи инқилоб қимоячилари отрядининг аъзосидир.

Г. Надеждин фотоси.
(ТАСС).

ЮҚСАК МУКОФОТ

МАНАГУА, 24 апрель. (ТАСС). Бу ерда сандиночилар миллий озодлик фронтига Жаҳон Тинчлик Кенгаши таъсир этган Хошимин мукофотини топшириш бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Мукофотни топшириш учун Жаҳон Тинчлик Кенгаши президенти Ромеш Чандра бошчилигидаги делегация Никарагуага келди.

Р. Чандра йиғилишда нутқ сўзлаб, қаҳрамон Никарагуа халқининг империалистпараст Сомоса фашист режими устидан қозонган ғалабасининг муҳим халқаро аҳамияти бор, деди. Бу ғалаба планета барча демократик кучларининг империалистик зулм ва эксплуатацияга қарши халқлар озодлиги ва мустақиллиги учун кураши ишига салмоқли ҳисса қўшди.

МУҲИМ ВИЗИТ

ҚУВАЙТ, 24 апрель. (ТАСС). Қувайт матбуоти Қувайт бош министрининг ўринбосари, ташқи ишлар министри шайх Сабоҳ ал Аҳмад ал Жобир ас Сабоҳнинг СССРга қилган визитига катта эътибор бермоқда.

Сабоҳ ал Аҳмаднинг Москвага визити, деб ёзади «Қувайт таймс» газетаси, араб-совет муносабатларини ривожлантиришда янги босқич бошланганлигидан далолат беради.

«Ас-Сияса» газетаси ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар мустаҳкам эканлигини уқтириб ўтади.

«Ан-Нахда» ҳафталиги визитнинг муҳим эканлигини қайд этиб, қуйидагиларни ёзади: бу визит Қувайт кўрфази зонасидаги бошқа давлатлар учунгина эмас, балки бутун араб мамлакатлари учун ҳам катта аҳамиятга эгадир.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **БЕРЛИН.** ГДР меҳнаткашлари ГБСП ва республика ҳукуматининг ялпи тинчликни мустаҳкамлашга, СССР билан, бошқа қардош мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар. Улар ГДР халқ палатасига, пойтахт депутатлар шаҳар мажлисига, депутатлар округ мажлисларига ўтказиладиган сайловга тайёргарлик масалалари муҳокамасида шу фикрни таъкидлаб ўтдилар. Сайлов 14 июнь куни ўтказилади.

● **ПАРИЖ.** 1 Майда уюштириладиган байрам намойиши, дейилади умумий меҳнат конфедерацияси касаба союз бирлашмасининг бу ерда эълон қилинган баёнотида, мустақиллик ва ер юзида тинчлик учун курашда француз ишчилар синфининг бошқа мамлакатлар меҳнаткашлари билан чуқур бирдамлиги рамзи бўлиши лозим. Биринчи Май намойиши, дейилади баёнотда, айни вақтда француз меҳнаткашларининг ўз талабларининг қондирилиши учун кураш олиб боришга қатъий аҳд-паймон қилганлигидан далолат беради.

● **ОММОН.** Исроилнинг чет мамлакатлардан қарзи бултур 21,7 миллиард долларга етди. Айни вақтда шу давр ичида тўлов балансининг камомади 3,8 миллиард долларни ташкил этди. Мамлакат марказий статистика бюроси ана шу маълумотларни эълон қилди.

● **ЛИМА.** Кончилардан қариб 900 киши Японияннинг Перудаги «Мицуи майнинг» кампанияси хўжайинлари зўравонлигига қарши норозилик юриши ўтказди. Бир ярим ойдан нўпроқ вақтдан буён иш ташлаётган Перу шахтёрлари ўзларининг оғир аҳволларига жамоатчиликнинг эътиборини жалб этиш мақсадида Уальянкад деган жойдан то пойтахтгача 450 километр йўл босиб ўтдилар.

(ТАСС).

«ЭРКИН ДУНЁ» ҚИЁФАСИ

КИМЛАР ЎҚИЙДИ

Ғарбий Германияда ўқиш ва ўқитиш ишларининг қай тарзда йўлга қўйилганлиги борасида сўз борганда бу ерда кўпинча ҳар хил фикрлар кўндаланг бўлади. Тўғри, бу ҳақда маъмурларнинг фикри кўпчиликка равшан. Уларнинг назарида гўё мамлакат олий ўқув юртларидаги ҳамма ишлар сип-силлиқ ва жойида. Бу ердаги таълим-тарбия ишлари барча учун тенг ва баробардир. Лекин аслида билим олиш соҳасидаги ҳамма ишлар улар ўйлагандек эмас, балки бунинг тамомила тескарисидир.

Масалан, Германия Федератив Республикасидаги ишчиларнинг фарзандлари мамлакатдаги нуфузли синф вакиллари болалари учун яратилган қулай имкониятлардан мутлақо фойдаланмайдилар. Касаба союзларининг «Вельт дер арбайт» деб аталган ҳафталик газетасида бу борада мамлакатдаги аянч манзарани ифода этувчи гоятда ишончли фактлар келтирилади. Газета Бонндаги сиёсий таълимнинг федерал маркази томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижасида тўпланган маълумотларни таҳлил қилиб, ГФРнинг турли табақаларидаги кишиларнинг болалари қай тарзда олий ва ўрта таълим олиши мумкин эканлигини тўғрисида очиқ-ойдин хулосага келади.

Ана шу маълумотларга биноан, ҳозир мамлакатда яшовчи ишчиларнинг болаларидан фақат етти процентигина гимназияларда таълим олмоқдалар. Ана шу ўқув юртларида ўқиётган болаларнинг 83 процентдан ортиқроги юқори лавозимдаги кишиларнинг фарзандларидир.

Баъзи бир олий ўқув юртларида ўқиётган ишчиларнинг фарзандлари фақат 10 процентга етар-етмас даражани ташкил этмоқда. Қолган студентлар эса яна ўша олий мартабали кишиларнинг, амалдорларнинг, йирик сармоя эгаларининг болаларидир.

Ҳафталик газета жамиятдаги бундай тенгсизлик оқибатлари кейинчалик буздан ҳам баттар натижаларга олиб боришига ачиниш билан қараб, чуқур таассуф билдиради. Лекин оддий немис жамоатчилигининг бу соҳадаги ташвиши тагин ҳам кўпроқ, албатта.

ХИТОЙ ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ОСИЁГА ХАВФ СОЛМОҚДА

Ҳинди—Хитой мамлакатлари — Вьетнам, Кампучия, Лаос ўзининггина эмас, шу билан бирга Жануби-Шарқий Осиёдаги барча мамлакатларнинг ҳам тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадини кўзлаб актив ва амалий ташқи сиёсат ўтказмоқдалар. Кейинги вақтларда улар шу мақсадга эришишга кўмаклашадиган бир қанча ташаббуслар билан майдонга чиқдилар. ХХР билан ўзаро ҳужум қилмаслик тўғрисида ниқи томонлама шартномалар имзолашга тайёрлик тўғрисидаги таклиф мана шу ташаббусларнинг биридир. Бу таклиф Жануби-Шарқий Осиёдаги кескинликни тугатиш учун шарт-шароит яратган бўлур эди.

Бироқ, реал ва фойдали ташаббус Пекиндагиларни гижинтирибгина қолмай, бошдан-оёқ сохта важлар билан шоша-пиша рад этилди ҳам. «Жэньминь жибао» газетаси ҳатто бу таклифнинг қабул қилиниши Вьетнамга «регионал гегемонизмни тағин ҳам ўзбошимчалик билан ўтказавериш» имконини яратиб қўйган бўлур эди, деб даъво қилди.

Гарчи «регионал гегемонизм» деб аталган туҳмат даъволар учун мутлақо ҳеч қандай асос йўқлиги яхши маълум бўлса ҳам, Пекинда бу даъво неча марталаб айтилди. ВСР изчил тинчликсеварлик сиёсатини ўтказиб келди ва ўтказмоқда. ХХР билан ҳужум қилмаслик тўғрисида шартнома тузиш таклифи ҳам, жумладан, шундан далолат беради. Бошқа-ти Пекиндагилар ҳақиқатан ҳам Осиё мамлакатларига солинаётган «хавф»дан ташвиш чекаётган бўлсалар, бундай хавфнинг, хавф бўлганда ҳам уйдирма эмас, балки мутлақо реал хавфнинг манбаини мутлақо бошқа жойдан қидиришлари керак.

Шу муносабат билан эслатиб ўтмоқчимизки, икки йил муқаддам Хитойнинг дрим миллионли армияси ВСРга бостириб кирган эди. Хитой қўшинлари шу мамлакат чегараларида тинимсиз қуролли ғиғоғарлик қилиб турибдилар, Хитой раҳбарлари эса доимо Вьетнамга «иккинчи сабоқ» бериб кўйиш билан дўқ урмоқдалар. Пекин Лаосга нисбатан кенг миқёсда психология уруши олиб бормоқда, жосуслик билан шуғулланмоқда, галамислик ва қўпорувчилик ишлари қилмоқда. У полпотчи тўдаларни қурол-яроғ ва ҳарбий анжомлар билан ошкора таъминлаб турибди, Кампучиянинг қонуний ҳукуматига қарши курашиш учун ўша полпотчилар ва бошқа тескаричи унсурлар иштирокида қандайдир «ягона фронт» тузиш йўлидаги уринишларини бас қилмаяпти.

Пекин Малайзия, Таиланд, Бирма, Филиппин, Индонезиядаги қўпорувчи ва бузғунчи гуруҳларни қўллаб-қувватламоқда, улардаги Хитойга сотилган тўдаларни кенгайтирмоқда ва мустаҳкамламоқда. 1979 йилда Хитойда нашр этилган хаританларда Ҳинди-Хитой мамлакатлари, Таиланд, Малайзия, Бирма ҳамон ХХР составига кирувчи мамлакатлар қилиб тасвирланган. Жануби-Шарқий Осиёни қўлга киритиб олиш ниятларидан воз кечмаган Пекин — регион мамлакатларига солинаётган хавфнинг ҳақиқий манбаидир.

Ҳинди-Хитой мамлакатларининг таклифлари Жануби-Шарқий Осиёда тинчликни таъминлашга қаратилган таклифлар эканлиги мутлақо равшан. Бу таклифларга Пекин салбий назар билан қараётганлигига келганда эса, бу нарса унинг гегемончилик ва экспансиячилик сиёсатининг таркибий қисмидир.

М. ЯКОВЛЕВ,
ТАСС сиёсий обзорчиси.

ИҒВОГАРЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПАРИЖ, 24 апрель. (ТАСС). Франс-Пресс агентлиги Байрутдан хабар беради: Исроилнинг 150 танки Ливан билан икки ўртадаги чегара чизигидан ўтди ва Ливан территориясидан Ливан сепаратчиклари назорат қилиб турган чегара яқинидаги зонага жойлашиб олди.

Исроилнинг ҳарбий катерлари неча Жанубий Ливаннинг Тир шаҳрини тўпга тутиб, ундаги порт иншоотларига катта зарар етказди. Айни вақтда шу районда десант туширишга уриниб кўрилди. Ливан милий ватанпарвар кучлари ва Фаластин қаршилик ҳаракати отрядларининг биргалиқда қилган қатъий ҳаракатлари натижасида бу уриниш барбод этилди. Уша куни Исроил ва Ливан сепаратчиларининг артиллерияси Набатия шаҳрини, Айшия, Журмун, Бинин, Дейр-Захарани ва Шкиф аҳоли пунктларини бир неча соат

СЕЗГИРЛИК, ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК — МЕҲНАТКАШЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ БОШ МЕЗОНИ

СССРНИНГ ҲАР БИР ГРАЖДАНИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯХШИЛАШ ТЎҒРИСИДА УЛАРГА ТАКЛИФЛАР КИРИТИШ, ИШДАГИ КАМЧИЛИКЛАРНИ ТАНҚИД ҚИЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГАДИР. МАНСАБДОР ШАХСЛАР ГРАЖДАНЛАРНИНГ ТАКЛИФЛАРИНИ ВА АРИЗАЛАРИНИ ҚОНУНДА БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРДА КЎРИБ ЧИҚИШГА, УЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШ ВА ЗАРУР ЧОРАЛАР КЎРИШГА МАЖБУРДИРЛАР.

(СССР Конституциясидан).

Суратда: Тошкент шаҳар халқ депутатлари Киров район Совети ижроия комитетининг раиси Ж. Жонибеков ижрокомнинг масъул ходимлари билан КПСС XXVI съезди қарорлари асосида ариза ва шикоятлар билан келувчи гражданларни қабул қилишни такомиллаштириш ҳамда меҳнаткашларнинг хатлари билан ишлашни янада яхшилаш тўғрисида суҳбатлашмоқда.

А. Тўраев фотоси.

ВЕТЕРАНЛАР ҲУЗУРИДА

Коммунистик партиянинг халқ фаровонлиги, унинг бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилишдек бош йўли КПСС XXVI съездида яна бир бор зўр куч билан намойиш қилинди.

Мамлакатимизда социал таъминотни ривожлантириш ва такомиллаштириш тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда Улуғ Ватан уруши инвалидларининг пенсиялари миқдори, болаликдан инвалид бўлиб қолганлар, колхозчи пенсионерлар оладиган пенсиялар миқдори оширилди. Уруш инвалидлари ва фронтда ҳалок бўлганлар оилаларига катта имтиёзлар берилди.

Қорақалпоғистон АССР Социал таъминот министрлиги партия ва совет органлари раҳбарлигида меҳнаткашларга социал таъминот хизматини яхшилаш юзасидан катта иш олиб бормоқда. Системадаги коллективлар ўз фаолиятларини яхшилаб, аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини оширдилар. Ҳозирги вақтда автоном республикада 156201 кишига социал таъминот бўйича хизмат кўрсатилмоқда.

Министрликнинг пенсиялар ва нафақалар тайинлаш бўйича комиссияси тушган ҳар бир аризани пухта ўрганмоқда. Айниқса, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бориш, ҳужжатларнинг тўғри тўлдирилишига эришиш шикоятларнинг камайишига олиб келмоқда.

Шунингдек, пенсия ва нафақалар тайинлаш комиссияси корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга пенсия ёки нафақани расмийлаштириш учун ҳужжатларни тўғри тўлдиришда амалий ёрдам кўрсатибгина қолмай, меҳнаткашларнинг пенсия таъминоти бўйича тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Социал таъминот органларига жуда кўп кишилар мурожаат қиладилар. Уларнинг ҳар бири билан самимий муомала қилиш, ариза ва шикоятларни эътибор билан тинглаш ва тўғри ҳал қилиш инсон тўғрисида ғамхўрликнинг ажралмас қисмидир. Автоном республика Социал таъминот министрлиги ана шуни ҳисобга олиб, меҳнаткашлар билан иш олиб боришнинг турли форма ва методларидан фойдаланмоқда. Ҳозир жамоатчилик асосларида министрликнинг ўзида 50 га яқин штатсиз инспекторлар иш олиб бормоқда. Шуниси характерлики, социал-таъминот ходимлари пенсионерлар, инвалидларнинг уйларига келиб, уларнинг турмуш шароитлари билан бевосита танишмоқдалар, орзу-истакларини ўрганмоқдалар. Бу эса пенсия таъминотига оид айрим масалаларни шу ернинг ўзида тушунтириш йўли билан ҳал қилиш имкониятини беряпти. Масалан, 1980 йилда шаҳар ва район социал таъминоти органларининг ходимлари 10218 пенсионернинг хонадонига кириб, уларнинг шароитлари билан танишиб чиқдилар.

Партия ва ҳукуматимиз Улуғ Ватан уруши қатнашчиларининг моддий ва маданий турмуш шароитини яхшилаш борасида жуда катта ғамхўрлик қилмоқда. Сўнгги йилларда уруш инвалидларининг пенсияси миқдори оширилди, уларга бир қанча имтиёзлар берилди. Ҳозирги вақтда автоном республикада 3327 нафар Улуғ Ватан уруши инвалиди яшамоқда. Бундан ташқари фронтда ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг 1271 оиласи мавжуд. Уларнинг ҳаммаси давлат томонидан белгиланган имтиёзлардан фойдаланмоқдалар.

Биз Улуғ Ватан уруши инвалидларининг ариза ва шикоятларига партиямиз талаб қилаётганидек сезгирлик ва меҳрибонлик билан муносабатда бўлмоқдамиз. Шуни айтиш кифояки, уларнинг эҳтиёжларини ўрганиш натижасида ва аризаларига мувофиқ ўнинчи беш йилликда уруш инвалидларидан 435 киши давлат ҳисобидан автомашина билан, 48 киши мотоколяска билан таъминланди. Шу вақт ичида ДОСААФ клублари ҳузуридаги курсларда 250 киши давлат ҳисобидан автомобиль бошқаришга ўргатилди. 374 уруш инвалиди ва урушда ҳалок бўлганлар оиласига коммунал квартиралар, 330 кишига уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратилди. 527 квартира ремонт қилиб берилди, 1685 кишининг санаторий-курортларда даволаниши учун йўлланма берилди. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларининг қарорига мувофиқ корхоналар, ташкилотлар, колхоз ва совхозлар биринчи группа Улуғ Ватан уруши инвалидларига ғамхўрликни қучайтириб, уларга моддий-маиший ёрдам кўрсатмоқдалар.

Улуғ Ватан уруши инвалидларининг истакларини ҳисобга олиб, Нукус, Тахиатош шаҳарлари ва Амударё районида фақат Улуғ Ватан уруши инвалидларига хизмат кўрсатувчи озиқ-овқат магазинлари очилди.

Ўтган йили министрлик аппаратига 755 хат, ариза ва шикоят тушди. Шундан 717 таси 15 кун ичида, 38 таси бир ой ичида ҳал қилинди. Маълумки, гражданлар министрликка турли масалалар билан мурожаат қиладилар. Бироқ, талаб ва истаклар ўринли бўлган тақдирдагина қондирилиши мумкин. Худди шу сабабли шикоятчиларнинг 92 талаби қондирилган бўлса, 52 кишига рад жавоби берилди. 606 кишига маслаҳат кўрсатилди. Шу вақт ичида министрлик ва унинг бўлимларига 800 га яқин кишини қабул қилди.

КПСС XXVI съезди совет кишиларининг турмуш даражасини янада ошириш, меҳнаткашлар фаровонлигини юксалтиришга қаратилган қарорлар қабул қилди. Партия ва ҳукуматимизнинг Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари, инвалидлар тўғрисида беқиёс ғамхўрлигини амалда ҳар бир кишига етказиш учун социал таъминот ходимлари куч-ғайратларини аямай меҳнат қиладилар.

У. АЛЛАМУРАТОВА,
Қорақалпоғистон АССР социал таъминот министри.

ХАТ ОРТИДА ИНСОН БОР

Меҳнаткашлар илгари сурадиган масалаларнинг деярли ҳаммаси корхоналар, район ва шаҳар ташкилотлари томонидан ҳал этилиши мумкин ва лозим.

(КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига Ҳисобот докладидан).

Меҳнаткашларни қабул қилиш, уларнинг хатлари, таклиф ёҳуд шикоятларини вақтида кўриб чиқиб, амалий ёрдам кўрсатиш халқ депутатлари район Совети ижроия комитети фаолиятининг энг муҳим соҳасидир. Ҳар бир хат ортида совет граждани, жонли инсон турибди. Гап шундаки, ижроия комитетига арз ёки таклифлар билан келувчиларнинг аксарияти халқ, давлат манфаатларига молик масалаларни ўртага қўймоқда, долзарб ҳаётий проблемаларни ҳал этишга доир таклиф ва мулоҳазаларини баён этмоқда.

Район Советининг масъул ходимлари, депутатларимиз меҳнаткашлар аризалари, шикоят ва хатлари билан ишлашни такомиллаштириш, уларнинг талаб ва истакларини қондириш учун куч ва билимларини аямай сарфлаб келмоқдалар. Бу — партия талаби, давр талаби.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездига қилган Ҳисобот докладида уқтириб ўтганидек, «Партиянинг ҳар бир ходими, ҳар бир раҳбар гражданларнинг хатлари, илтимослари ва шикоятларига эътибор ва сезгирлик билан муносабатда бўлишни ўзининг халқ олдидаги, партия олдидаги бурчи деб қарамоғи лозим». Меҳнаткашларнинг ҳаётга нисбатан ғамхўрлигининг ёркин ифодаси бўлиши бу сўзларни биз ўз фаолиятимиз учун дастурламал деб биламиз.

Район ижроия комитетида меҳнаткашларнинг қулай вақтларига мослаб ҳафтанинг ҳар кунида гражданларни қабул қилиш йўлга қўйилган. Шунга алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, сўнгги йилларда гражданларнинг хатлари, таклиф ва мулоҳазаларини кўриб чиқиш, уларнинг талабларини қондириш муддатлари устидан қатъий назорат ўрнатилди, контроллик кучайтирилди, талаб ва истакларни бажариш юзасидан таъсирли тадбирлар белгиланадиган бўлиб қолди.

Чунончи, Янгиқишлоқ қишлоқ Совети территориясидаги бир группа Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, Дзержинский қишлоқ Советига қараши аҳоли пунктлари, Мерган, Тегирмон қишлоқлари аҳолиси район ижроия комитетига автобус қатновини ташкилотларга мурожаат қилиш, улар билан алоқа ўрнатишга мажбур бўладилар. Қабул вақтида меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини қараши Шўр, Ленин номли колхозга қарашли Уроқчи қишлоғи меҳнаткашларидан болалар боғчалари қурилиши ҳақида талабнома тушган эди. Бу масала ҳам ижобий ҳал этилди. Гул ва Ғиждон қишлоқлари аҳолисининг фельдшерлик-акушерлик пунктлари очиш тўғрисидаги сўровлари ҳам — ўз муддатида бажарилди. Ҳамза Ҳакимзода номли совхознинг «Большевик», Фрунзе номли, «Авангард» бўлимларининг қишлоқларига водопровод суви келтириш қадимгаги талабларни қондириш — юзасидан қизғин иш олиб борилмоқда.

Биз Улуғ Ватан уруши инвалидларининг талаб ва истакларини қондиришга алоҳида диққат ва эътибор билан қараб келяпмиз. Ўтган йили 108 нафар уруш ветеранларига 200 тоннага яқин ёқилғи, мингдаб шифер, бешқа ҳар хил қурилиш материаллари берилди. Уруш ветеранларига 71 киши енгил автомашина билан таъмин этилган.

Шу йилнинг биринчи квартали мобайнида райэн ижроия комитетига 53 киши арз билан мурожаат этганди. Аризаларнинг 83 проценти тез фурсат ичида ҳал этилди. Қолганлари ҳам адо этилиш арафасида турибди. Шу давр мобайнида ижроия комитетга 138 та ёзма ариза ва шикоятлар тушди. Бу аризаларда кўтарилган масалалар ҳам имкони борича тез ҳал этилмоқда, натижалари ариза эгаларига вақтида хабар қилиб турилибди.

Меҳнаткашларни қабул қилиш, уларнинг шикоят ва талабларини тинглаш, кув тартибига қўйилаётган вазифаларни адо этишда депутатларимиз самарали иш олиб бормоқдалар. Депутатлар билан бўлиб ўтган учрашувларда меҳнаткашлардан 736 та нақел тушган эди. Бу наказларнинг аксарияти мазмунан ва характери жиҳатидан ғоятда муҳим бўлиб, район олдида турган катта ва кичик проблемалардан баҳс этар эди. Бу наказларнинг кўп қисми районни социал ва иқтисодий ривожлантириш давлат планига киритилди. Уларнинг ижро этилишини таъминлаш юзасидан депутатлар доимий контрол қилиб келмоқдалар.

Районимиз меҳнаткашларининг таклиф ва истаклари асосида ҳозиргача 4 минг квадрат метрдан зиёдроқ уй-жой бинолари қурилди, 230 ўринли болалар боғча-ясилари, 880 ўринли мактаб бинолари қурилиб фойдаланишга топширилди, 6 та типовой шийпон ва қатор ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди. Қариб 10 километр масофадаги йўллар асфальтланди.

Район Совети ижроия комитети меҳнаткашлар хат ва аризаларга билан ишлашни янада такомиллаштириб, депутатларга берилган наказларни изчил бажариш йўлида самарали меҳнат қилаверади.

Т. ИСМОИЛОВ,
халқ депутатлари Ленинград район Совети ижроия комитети раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

СОВЕТ КИШИСИНИНГ ХАРАКТЕРИ

ЭЛ ТАШВИШИ БИЛАН

Одами эрсанг демагил одами,
Аниким йўқ халқ ғамидин ғами.

Буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий айтганидек, элнинг ғам-ташвиши, халқнинг фикри-ўйи билан яшаган кишигина ҳақиқий инсон дейишга лойиқдир. Одамлар ташвиши билан нафас олиб, халқ хизматкори деган шарафли номни муносиб равишда оклаётган ажойиб фазилатли кишилар оз дейсизми. Шундай ходимлардан бири халқ депутатлари Қўшкўпир район Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Абдулла Рўзиматовдир.

Гап белгиланган вақтда меҳнаткашларни маҳтал қилмай қабул қилишдагина эмас. Камтарлиги, одамларга меҳрибонлиги, ҳар бир шикоят ва талабга сезгирлик билан қараши, кўтарилган масалани ҳал этишдаги принципиаллиги билан А. Рўзиматов кишиларнинг иззат-ҳурматига сазовор.

Одатдаги қабул кунларидан бири. Одамлар навбат билан кириб, давлат ҳокимияти органи ходимига ўзларининг арзҳолини айтишяпти. «Москва» колхози аъзоси Х. Жиянбоев ўз томорқасига ариқ чиқариш учун ёрдам сўради. Колхоз раҳбарлари нахотки бу ҳақли талабга бефарқ қарашса?! Ахир, томорқани суғориш, ундан ҳосил олиш керак-ку. А. Рўзиматов қишлоқ Совети ва колхоз правлениеси билан телефон орқали боғланиб, раҳбарларни анча безовта қилди. Хуллас, масала ижобий ҳал этилди.

Қабулхонадан ўрта мактабни тамомлаган қизлар К. Собирова ва Н. Аваэова ҳам мамнун бўлиб чиқишди. Ижроия комитет уларнинг ихтисос бўйича ишга жойлашишига ёрдам берди. Врач Р. Екубовани уй-жой билан таъминлаш, ишчи К. Жабборовнинг уйини ремонт қилиб бериш яқин кунларда ҳал бўладиган бўлди.

Хизматчи Қ. Жуманиёзовнинг район марказидаги Советлар кўчасида тозалик ўрнатиш, врач С. Жумамуродовнинг Комсомол кўчасида уй номерларидаги чалкашликни бартараф этиш тўғрисидаги таклиф ва мулоҳазалари инобатга олиниб, тегишли тадбирлар белгиланди, ижрони текшириш конкрет масъул ходимлар зиммасига юклатилди.

— Партия бизга гражданларни қабул қилиш тартибига қатъий риоя қилиш, кишиларга меҳрибонлик билан муносабатда бўлиш тўғрисида таълим бермоқда, — деди Абдулла Рўзиматов биз билан суҳбатда. — Партиямиз Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори гражданларнинг хатлари, илтимослари ва шикоятларини ҳал этишда раҳбар ходимларнинг масъулиятини янада оширади. Аризачига ўз вақтида асосли жавоб бермаслик — бюрократизм кўринишидан бошқа нарса эмас.

Заррада қуёш акс этганидек, Конституциямиз СССР гражданларига бахш этган демократик ҳуқуқлар амалда барқарорлиги, халқ ҳокимиятининг чинакам инсонпарварлиги Советлар ва бошқа давлат органлари кундалик фаолиятида кўзгудаги каби ўз ифодасини топмоқда. Район ижроия комитети раиси ўринбосари А. Рўзиматовнинг қабул соатларида бўлиб, биз бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

„Ўгай“ қишлоқ

«Ҳурматли редакция! — деб ёзади газетхон Маматқул Бозорбоев, — биз яшаётган қишлоқ Сирдарё область Комсомол районидаги «Москва» совхозининг 6-бўлимида жойлашган бўлиб, у Мичурин номи билан аталади. Бу қишлоқнинг ташкил топгачига ўн йилдан ошмоқда. Лекин ҳалигача кишилар кичиллик сув масаласида қийналмоқдалар...».

Бу совхоз у қадар йирик хўжаликдан ҳам эмас. Транспортда бир кунда ҳамма бўлимларни, барча бригадаларни айланиб чиқиш мумкин. Мичурин қишлоғи эса янги ташкил этилган 6-бўлимнинг маркази экан. Уша ерга жўнадик.

Қишлоқни у қадар кичкина жой деб ҳам бўлмайди. Бу ерда йигирма бешга яқин ховли бор. Уларнинг атрофида эса янги хонадонлар пайдо бўлмоқда. Хуллас, бир тарафдан қишлоқ ўсиб, кенгайиб бораётган бўлса, иккинчи тарафдан жиддий эътибор ва ёрдамга муҳтож эканлиги шундоққина кўриниб турарди.

— Икки кунда бир марта трактордa сув олиб келиб беришади, — дейишди қишлоқнинг кекса отахонларидан бири Абдуазим Абдурасулов, уй бекаси Бусоадат Холтўраева ва бошқалар. — Бунинг устига сув ташийдиган трактор қиш ойларида тез-тез бузилиб туради. Бир ой эмас, бир йил эмас кўпдан бери аҳвол шу.

Мичурин қишлоғи район марказига олиб борадиган катта йўл ёқасига жойлашган-у, лекин йўл ёқасида автобус тўхтайдиган бекат ҳам йўқ.

Қишлоқ аҳолисини ташвишга солиб келаётган яна бир нарса — ўқувчиларнинг мактабга қатнови масаласи. Ҳамид Олимжон номли ўрта мактаб билан қишлоқнинг орасидаги масофа икки километрдан ортиқроқ. Белгиланган қондага кўра, аҳоли яшайдиган жой билан мактаб ораси уч километрдан ошсагина ўқувчилар учун машина ажратилар экан. Лекин бу ўринда ўқувчи ёшлар учун масофанинг узоқлигидан ҳам кўра, унинг ноқулайлиги катта қийинчиликлар туғдирмоқда. Қишлоқдан чиқиб, мактаб томон бориш мумкин бўлган бирдан-бир йўл ниҳоятда серқатнов.

Қишлоқдаги бу ва бошқа камчиликлар тўғрисида область газетаси чиқиш қилди. Ҳатто «Муштум» журналининг ўтган йилги 10-сонида ҳам бу ердаги аҳвол баён қилинди. Шуниси ажабланарлики, совхоз раҳбарлари саъдеан нарига ўтишолмаяпти. Комсомол район Совети ижроия комитети эса меҳнаткашларнинг талабларига бундай мексимай қараш ҳолларига бефарқ муносабатда бўлмоқда.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Редакциядан: ушбу материал саҳифаланаётганда Мичурин қишлоғида артезиан қудуғи қазилгани, ўқувчиларни мактабга олиб бориш учун автобус ажратилганини хабар қилишди. Хайрли иш — пайсалга солма, деган нақл бор. Меҳнаткашлар талаблари вақтида қондирилганида нур устига аъло нур бўлур эди.

МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ИШ ТАЖРИБАСИДАН

ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛИ

«Партия, совет, касаба союз ва хўжалик органлари гражданларнинг хатлари билан ишлаш ва уларни шахсан қабул қилишнинг форма ва методларини тағин ҳам такомиллаштириш, орттирилган ижобий тажрибани мустаҳкамлаш, шикоятларни кептириб чиқарувчи камчиликлар ва сабабларни йўқотиш борасидаги конкрет тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга оширсинлар».

(КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан).

Меҳнаткашларнинг хатлари, таклифлари партия ва совет ташкилотларининг омма билан жонли алоқа воситасидир. Шаҳар ва райондаги вазият қандайлигини яхшироқ билиб олишда, камчиликларни аниқлаш ва уларни тугатишнинг энг тўғри ва аниқ йўлларини белгилашда, партия қарорларини изчиллик билан амалга оширишда меҳнаткашлар билан маслаҳатлашиб туриш, уларнинг орзу-истакларини ўрганиш, гражданларнинг шикоятлари, хатларини ҳисобга олиш ва ҳал этиш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки, меҳнаткашларнинг сиёсий ва социал активлиги муттасил ошиб бормоқда. Улар социал-иқтисодий вазифаларнинг ҳал этилишига голт манфаатлардик билан қарамоқдалар, давлат, жамоат ишлари тўғрисида жон куйдирмоқдалар.

Тошкент шаҳар халқ депутатлари Акмал Икромов район Совети ижроия комитетининг жамоатчилик қабулига келган гражданларнинг ариза ва илтимослари ҳам шуни кўрсатмоқда.

Аввало, бу ерда гражданларни қабул қилишнинг жамоатчилик қабули деб аталган формаси тўғрисида тўхталмоқ керак. Маълумки, ижроия комитетга гражданлар хилма-хил масалалар билан келадилар. Ижроком раиси ёки унинг ўринбосари уларни қабул қилганларида ариза ва шикоятларни ҳал этиш учун ижрокомнинг бўлимлари, бошқармаларига, райондаги бошқа ташкилотларга мурожаат қилиш, улар билан алоқа ўрнатишга мажбур бўладилар. Қабул вақтида меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини билан бевосита шуғулланувчи ижроия органларининг раҳбарларини ҳам чақириш маъқул эмасмикан? Шундай қилинса, ҳар бир граждан-нинг арзи ёки шикояти шу ернинг ўзида, ҳеч қандай телефонсиз ҳал қилинади, шикоят ва таклифларни ҳал этиш учун уларнинг масъулияти янада ортади.

Шу тарзда гражданларни қабул қилишнинг жамоатчилик формаси вужудга келди. Бу эса район ижроия комитетига меҳнаткашларнинг талаб ва истакларини қондириш, хилма-хил ариза ва шикоятларни ҳал қилишнинг оператив изга кўчириш имконини берди.

Масалан, «Иқтисод» маҳалла комитетининг раиси Б. Шоёқубов жамоатчилик қабулига келиб, шу маҳалла территориясидаги собиқ «Юлдузча» кинотеатри ўрнида озиқ-овқат магазини очишга ёрдамлашишни, Дадил кўчасини очиб беришни маҳалла номидан илтимос қилди.

Район ижроия комитети раиси ўртоқ Ғ. Абдурасулов «Юлдузча» кинотеатри биносидан маданий-оқартув мақсадларида фойдаланиш мувофиқлигини айтиб, у ерда болалар учун клуб ёки кутубхона очиш учун бинони ремонт қилиш ва бошқа чораларни кўриш зарурлигини таъкидлади. Кейинги вақтда қаровсиз қолган собиқ кинотеатр биносини тартибга солиш ва маданий муассаса очиш район маданият бўлимига, район халқ маорифи бўлимига топширилди.

Маҳаллада озиқ-овқат магазини очиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Аҳолига қулайлик яратиш учун маҳаллада нон дўкони очиш ва унга жой танлаш район озиқ-овқат савдоси идораси директори Х. Каримов ва район архитектори М. Қамбаровга топширилиб, бу масалани узил-кесил ҳал қилиш учун бир ҳафта муддат берилди.

Эски бинони бузиб, Дадил кўчасини очиш ва обод қилиш ҳам тегишли ташкилотларга топширилди. Муддати белгилаб қўйилди.

Шуниси характерлики, район ижроия комитетига аризалар ва таклифлар билан келувчиларнинг кўпчиляги ўзларининг шахсий ишлари билан эмас, балки жамоатчилик манфаатларини кўзлаб муҳим масалаларни ўртага қўймоқдалар. Масалан, райондаги 194-ўрта мактаб директори И. Ф. Чибитко мактаб қурилиб ишга туширилганига 14 йил бўлганлигини, район автокомбинати ҳар йили мактабни ремонт қилишда оталиқ ёрдами кўрсатаётганлигини, бироқ ҳозирги вақтда бино капитал ремонтга муҳтож бўлиб қолганлигини айтди. Мактабни капитал ремонт қилиш учун смета туэиш ва етарли маблағ ажратиш халқ маорифи бўлими ва молия бўлимига топширилади.

Шу ўринда райондаги айрим ташкилотларнинг раҳбарлари меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига бюрократларча муносабатда бўлаётганлиги маълум бўлиб қолди. 21-квартал 14-уйдаги 31- ва 35-квартираларда турувчи С. Н. Велишина билан Г. Г. Мартинюк икки кундан буён уйни электр билан таъминлашда узилиш бўлганлигини, бу ҳақда ЗЗ-уй-жойдан фойдаланиш идорасига хабар қилганларида ЖЭК бошлиғи Н. Г. Бутенко уларни район электр тармоқлари идорасига мурожаат қилинглар, деб қайтариб юборганлигини, электр тармоқлари идораси раҳбарлари эса ЖЭКка мурожаат қилинглар, деб қайтарганлигини айтадилар.

Шу ернинг ўзида уйни электр энергия билан таъминлаш учун шошилинч чораларни кўриш район электр тармоқлари идораси бошлиғи ўртоқ Холдоровга топширилди. Гражданларнинг шикоятларини ҳал қилмай қайтариб юборганлиги учун ЗЗ-ЖЭК бошлиғига нисбатан тегишли чора кўриш район уй-жойлардан фойдаланиш трестининг бошлиғи А. Набиевга топширилди.

Жамоатчилик қабулида қилинган ишлар ҳақида қабулхона китобига ёзиб қўйилади. Бундан ташқари район ижроия комитети ташкилий бўлими инструктори Валентина Ивановна Крохина қабул вақтида кимга қандай топшириқ берилгани, топшириқни бажариш муддати кўрсатилиб тўлдирилган карточкани тегишли кишиларга тарқатади, топшириқларнинг бажарилишини контрол қилиб боради. Жамоатчилик қабулида кўтарилган масалалар қандай ҳал этилганлиги келгуси қабул вақтида муҳокама қилинади.

Гражданларнинг район ижроия комитетига киритган муҳим таклифлари қандай амалга оширилаётганини назорат қилиб бориш эса ижроком раиси ўринбосарларига топширилади.

Акмал Икромов район Советининг ижроия комитети гражданларнинг хатлари билан ишлаш, уларни қабул қилишнинг форма ва методларини янада такомиллаштириш устида иш олиб бормоқда.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Қувонмай бўладими

Мен КПСС XXVI съезди материалларини ўрганаётиб партиянинг ҳар бир ходими, ҳар бир раҳбар гражданларнинг хатлари, илтимослари ва шикоятларига эътибор ва сезгирлик билан муносабатда бўлишни ўзининг халқ олдидаги, партия олдидаги бурчи деб ҳисоблаши лозим, деган сўзларини ўқидим-у, Андижон район ижроия комитетига илтимос билан борганим ёдимга тушди. Мен Андижон районидаги Энгельс номли совхозда яшайман. Улуғ Ватан уруши инвалидиман. Бир неча йилдирки, пенсиядаман.

Уймни ремонт қилиш учун 30 дона шифер керак бўлиб қолди. Окёр қишлоқ Советига учраган эдим, масала ҳал бўлмади. Шундан кейин Андижон район ижроия комитетига мурожаат қилдим. Ижроком раиси Ҳошимжон Ўринов мени очиқ чеҳра билан илиқ кутиб олди. Ҳол-аҳвол сўраб, арзимни диққат билан эшитди. Керакли шиферни дарров топтириб берди. Кувончимдан теримга сиғмай кетдим. Бу, инсонга ғамхўрлик, кексаларга меҳрибонликдир. Андижон район ижроия комитетида ариза ва бирор илтимос билан келганларнинг арз ва талабларига сезгирлик билан қулоқ соладилар. Агар у ёки бу талабни қондиришнинг иложи бўлмаса, ётиғи билан тушунтирадилар. Токи, ижрокомга мурожаат қилган ҳар бир киши бу ердан мамнун бўлиб чиқади.

Қўзибой МУСАЕВ,
пенсионер, Андижон районидаги Энгельс номли совхоз.

ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТНИНГ ОТАЛАРЧА ҲАМХЎРЛИГИ

●

СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИНИНГ МАНГУ ҲАЙКАЛИ

●

ПОЙТАХТ МЕҲНАТКАШЛАРИ ТОШКЕНТНИ КОММУНИСТИК МЕҲНАТ, ЮКСАК МАДАНИЯТ ВА НАМУНАЛИ ЖАМОАТ ТАРТИБИ ЎРНАТИЛГАН ШАҲАРГА АЙЛАНТИРИШ УЧУН АСТОЙДИЛ КУРАШМОҚДАЛАР.



ДЎСТЛИК ШАҲРИ

Республикамиз пойтахти Тошкентда табиий офат рўй берганига бугун 15 йил тўлди. Шаҳримизда кучли зилзила бўлгандан сўнг бир неча соатдан кейин Тошкентга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев ва СССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ А. Н. Косигин етиб келишди. Бу ердаги шароит билан танишгач, табиий офатдан зарар кўрган шаҳримизга ёрдам бериш соҳасидаги дастлабки тадбирларни шу ернинг ўзида ишлаб чиқишга бошчилик қилишди. 28 апрель куни Леонид Ильич Брежнев республика партия активи йиғилишида сўзлаб, партия, совет ва хўжалик органлари олдига янги Тошкентни қуриш ва зилзила оқибатларини тугатиш соҳасида муҳим вазифалар қўйди. Ана шу кезларда улуғ Ватанимиз халқларининг дўстлиги ва қардошлиги зўр куч билан намоён бўла бошлади. Зарар кўрган Тошкентга бутун мамлакат ёрдамга келди.

Партия ва ҳукуматимизнинг, барча иттифоқдош республикалар, Москва ва Ленинград шаҳарлари меҳнаткашларининг, шонли қурувчи-жангчиларимизнинг ёрдамлари туфайли қисқа вақт ичида янги шаҳар барпо этилди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон партия активи йиғилишида бу янада тезроқ, янада мустаҳкам, ҳеч қандай зилзилалар кор қилмайдиган янги Тошкентнинг бошланишидир, деган сўзлари рўёбга чиқди.

Янги Тошкент мамлакатимиз халқларининг бирлиги, дўстлиги ва қардошлиги тимсоли бўлиб қолди. Зилзалалдан кейинги йилларда пойтахтимиз қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Бугуни кунда Тошкентни ажойиб, миллий анъаналар ҳамда маҳаллий иқлим шароитларига мослашган шаҳар қурилишининг янги усулларини ўзида ифода этган архитектура ансамбллари безаб турибди. В. И. Ленин номли тўғон майдон, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали, Халқлар дўстлиги музейи, Ҳамза театри, Тошкент давлат университети комплекси, «Юбилейний» марказий спорт зали, Халқлар дўстлиги майдони комплекси, ажойиб йўлкалар, йирик кўприк иншоотлари, пиёдаларга мўлжалланган ер остки йўллари, замонавий кенг кўчалар ва яшил либосга бурканган майдонлар ҳамда маиший, савдо ва коммунал хизмат объектлари пойтахтимиз жамолини очмоқда.

Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин номи берилган метрополитен тошкентликлар фахри бўлиб қолди. Унинг биринчи навбати деярли муддатидан бир йил олдин фойдаланишга топширилди. Бугуни кунда пойтахт метрополитенининг узунлиги 16,6 километрга етди. «Пахтакор» станциясидан темир йўл вокзали ва ундан авиасозлар шаҳарчасигача бўлган участкаларда қурилиш ишлари тез суръатлар билан олиб борилмоқда.

Саккизинчи беш йилликда муҳим социал проблема — уй-жой масаласини ҳал этишга алоҳида эътибор берилди. Зилзиладан сўнг 90 мингга яқин тошкентлик бошпанасиз қолган эди. Лекин шунга қарамасдан 1966-67 йилларнинг куз-қиш мавсумининг бошигача улар чодирлар ва вақтинча барпо этилган шаҳарчалардан капитал уй-жойларга кўчириб ўтказилди. Бу вақт ичида шаҳарда 5,5 миллион квадрат метр уй-жой қурилди. Шу жумладан, Москва, Ленинград, иттифоқдош республикалар қурувчилари ёрдами билан 1,5 миллион квадрат метр уй-жой, 15854 ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаблари, 6860 ўринли мактабгача болалар муассасалари қад кўтарди. РСФСР қурувчилари 468,3 минг квадрат метр уй-жой, 5770 ўринли мактаб, 2940 ўринли болалар боғчалари, Украина СССР қурувчилари эса 242,1 минг квадрат метр уй-жой, 2600 ўринли мактаб, 560 ўринли болалар боғчалари қуриб бердилар. Бошқа қардош республикалар қурувчилари ҳам Тошкентимизни қайта тиклашга муносиб ҳисса қўшдилар.

Тўққизинчи ва ўнинчи беш йилликда ҳам уй-жой, социал-маданий ва маиший объектлар қурилиши юқори суръатлар билан олиб борилди. Шу нарсани айтиш кифоя, кейинги икки беш йиллик мобайнида шаҳарда умумий майдони 7,7 миллион квадрат метр ҳажмдаги уй-жой бинолари барпо этилди. Деярли 90 минг ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаблари, 43 мингдан ортиқ ўринли мактабгача ёшдаги болалар муассасалари қурилди. Агар 1966 йилнинг бошида шаҳримизнинг умумий уй-жой фонди бор-йўғи 9,7 миллион квадрат метрни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда бу рақам 18 миллион квадрат метрни ташкил этади. Шу нарсани алоҳида таъкидлаш зарурки, уй-жой фонди миқдор жиҳатидангина эмас, балки сифат жиҳатидан ҳам ўсди. Унинг инженерлик жиҳозлари ва ободончилик даражаси юксалди. Кўп қаватли уй-жойлар қуриш ҳажми кенгайди. Кейинги йилларда ташкил этилган уйсозлик комбинати ва қурилиш материаллари саноати корхоналарининг ишлаб чиқаришхника базаси йилига уй-жой қуришнинг миллион квадрат метрли маррасига чиқиб олишга имкон беради.

Тошкент бугунги кунда Совет Шарқининг йирик маъмурий, индустриал ва илмий маркази. Шаҳримизда 200 га яқин йирик саноат бирлашмалари ва корхоналари мавжуд. Бу корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошмоқда. Меҳнат коллективлари фақат иқтисодий масалаларнигина эмас, социал масалаларни ҳам ҳал этмоқдалар. Уларнинг кўплари уй-жой, мактабгача болалар муассасалари қурилишида иштирок этмоқдалар.

Республикамиз пойтахтида кейинги йилларда яна тўрт олий ўқув юрти очилди. Меҳнаткашларга коммунал-маиший хизмат яхшиланмоқда.

Ўтган йил 11 декабрда Назарбек поселкасида ер силкиниши зилзила марказига яқин бўлган Собир Раҳимов, Октябрь, Акмал Икромов, Чилонзор ва Фрунзе районларига ҳам зарар етказди. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукумати Тошкент области ва Тошкент шаҳрида зилзила оқибатларини тугатишга амалий ёрдам кўрсатдилар. Табиий офат оқибатларини тугатишга бу йил 51,6 миллион сўм, шу жумладан уй-жой қуриш учун 33,3 миллион сўм қўшимча маблағ ажратилди. Бу йил 1 миллион квадрат метрга яқин уй-жойни, шунингдек уч мактаб ва олтита мактабгача ёшдаги болалар муассасаларини қуриб фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда. Бу ишларда Андижон, Фарғона, Бухоро ва Наманган уйсозлик комбинатлари яқиндан ёрдам бермоқдалар. Бу йил уларнинг маблағлари ҳисобига 25 минг квадрат метр уй-жой қуриб фойдаланишга топширилади.

Шунингдек, Ватанимиз пойтахти Москва қурувчилари Тошкентга ёрдам тариқасида савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналарини ўз ичига олган уй-жой комплекси, 640 ўринли мактабгача ёшдаги болалар муассасаларини қуриб беришади. Тошкентликлар совет халқларининг шаҳримизни қуришда берган бегараз ёрдамларини ҳеч қачон унутмайдилар.

Ҳозирги кунда «ГашНИПИгенплан» институти Тошкентнинг 1990 йилгача бўлган даврдаги тараққиёти бош планининг лойиҳасини ишлаб чиқишни тугаллади. Унда Тошкент халқ хўжалигиннг барча соҳаларини иқтисодий ва социал ривожлантириш комплекс вазифалари белгиланган. 1990 йилга бориб аҳоли жон бошига уй-жой билан таъминлашни 14 квадрат метрга етказиш (ҳозирги кунда бу рақам жон бошига 10 квадрат метрга яқин келади) кўзда тутилмоқда.

Ўн биринчи беш йилликда камида 6 миллион квадрат метр уй-жой қуриш мўлжалланмоқда. Эндиликда шаҳар территорияси кенгаймайди, аксинча у бўйига ўсади. Лойиҳачилар янги типдаги уй-жойлар қуриш, меҳнаткашлар учун янада яхши қулайликлар яратиш учун, қўшимча хоналарга эга бўлган, шаҳримизнинг иқлим ва демографик хусусиятларига жавоб берадиган уй-жойлар лойиҳаларини яратишга ҳаракат қилмоқдалар. Барча уй-жой массивларида мактаблар, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, маиший хизмат, алоқа, савдо ва меҳнаткашларга хизмат қилувчи бошқа объектлар ҳам қурилади. Бир сўз билан айтганда, Тошкентимиз қиёфаси янада ўзгаради. У қардошлик рамзи, СССР халқлари дўстлигининг мангу ҳайкали бўлиб қолади.

В. КОЗИМОВ,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси.





Суратларда: Тошкент шаҳрининг бундан 15 йил муқаддам зилзила юз берган кунги ва бугунги кўринишидан айрим лавҳалар.

И. Глауберзон, В. Сироткин ва А. Тўраев фотолари.



СОВЕТ ХОККЕЧИЛАРИ — ЧЕМПИОН

Хоккейчиларнинг Швецияда ўтаётган жаҳон ва Европа биринчилиги учун қизғин беллашувида СССР терма командасининг хоккейчилари ажойиб галабани қўлга киритдилар. Улар навбатдаги ўйинда Швеция терма командаси билан учрашиб, зўр уюшқоқлик, катта маҳорат кўрсатдилар. Хоккейчиларимиз майдон эгаларини катта ҳисоб билан (13:1) ютиб, муддатидан илгари жаҳон ва Европа чемпиони деган фахрли унвонни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Бу учрашувда улар муз устида чинакам чемпионларча ўйнадилар.

Жаҳон ва Европа чемпионати бугун Гетеборг шаҳрида якунланади.

«БЎСТОН»НИНГ ДУРАНГИ

Футбол бўйича мамлакат биринчилигининг биринчи лигасида иштирок этаётган командаларининг навбатдаги тур ўйинлари бўлиб ўтди. Бунда Жиззахнинг «Бўстон» командаси ўз майдонида Воронеж шаҳрининг «Факел» футболчиларини қабул қилди. Учрашув 1:1 ҳисобида дуранг натижа билан якунланди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Ўрозмет ХОЛМУРОТОВ

Республикамизда соғлиқни сақлаш ишининг таниқли ташкилотчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач, Иттифоқ миқёсидаги шахсий пенсионер, гражданлар уруши қатнашчиси, 1930 йилдан КПСС аъзоси Ўрозмет Холмуротов вафот этди.

У. Холмуротов 1900 йилда Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл районининг Оқмамиш овулида туғилди. 1918—1924 йиллар мобайнида босмачиларга қарши жангларда фаол қатнашди.

Шифокорлик фаолиятини 1932 йилда, Ўрта Осиё Давлат университетининг медицина факультетини тугатганидан сўнг бошлаган У. Холмуротов 1933—1942 йилларда Қорақалпоғистон АССР соғлиқни сақлаш халқ комиссари муовини бўлиб ишлади. 1942—1949 йилларда республика касалхонаси бош врачи, 1949—1963 йиллар мобайнида эса Қорақалпоғистон АССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг бош хирурги бўлиб ишлади. 1964 йили пенсияга чиққач, санитария авиациясида врачлик қила бошлади.

У. Холмуротов соғлиқни сақлаш ишларини ривожлантиришга жуда кўп куч ва меҳнат сарфлади. У ижтимоий ҳаётда актив қатнашди. СССР Олий Совети депутати қилиб сайланди.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати У. Холмуротовнинг хизматларини юксак баҳоладилар. У қўш Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Қизил Юлдуз, «Ҳурмат Белгиси» орденлари ва қатор медаллар билан мукофотланди. Унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони юксак унвони берилди.

Партия ва халқнинг содиқ ўғлони ажойиб инсон, устаз шифокорнинг ёрқин хотираси уни билган ва у билан бирга ишлаган ҳамма кишиларнинг қалбида абадий сақланажак.

Бир группа ўртоқлари.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ

«ГЛАВСРЕДАЗИРСОВХОЗСТРОЙ»

1981-82 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА

ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ОҚОЛТИН ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ
(Сирдарё область, Оқолтин район маркази, Сардоба поселкаси).
Кундузги ўқишга: сув хўжалиги системаларидаги автоматик қурилмалар эксплуатацияси, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаштириш, автотранспорт эксплуатацияси.
Сиртқи ўқишга: қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаштириш, автотранспорт эксплуатацияси.

МИРЗАЧЎЛ КОММУНАЛ-ҚУРИЛИШ ТЕХНИКУМИ
(Янгиер шаҳри, Набережная кўчаси, 7-уй).
Кундузги ўқишга: саноат ва граждан қурилиши, биноларнинг техник эксплуатацияси, биноларнинг сантехникавий тузилиши, қурилишда бухгалтерия ҳисоби.
Сиртқи ўқишга: саноат ва граждан қурилиши, қурилишда бухгалтерия ҳисоби.

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКУМИ
(Жиззах шаҳри, Носиров кўчаси, 3-уй).
Кундузги ўқишга: саноат ва граждан қурилиши, гидротехник қурилишлар, темир-бетон конструкциялари ва қурилиши деталларини ишлаб чиқариш, қурилишда планлаштириш.
Кечки ўқишга: саноат ва граждан қурилиши.
Сиртқи ўқишга: гидротехник қурилишлар, темир-бетон конструкциялари ва қурилиш деталларини ишлаб чиқариш, қурилишда планлаштириш.

ЗАФАРОБОД ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ
(Тожикистон ССР, Зафаробод шаҳри, Титов кўчаси, 3-уй).
Кундузги ўқишга: қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаштириш.
Сиртқи ўқишга: қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, гидромелиорация.

ИЛЬИЧ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ
(Жиззах область, Пахтакор район, 26-совхоз).
Кундузги ўқишга: қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, гидромелиорация, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби.
Сиртқи ўқишга: қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, гидромелиорация, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби.

НУКУС ШОЛИКОРЛИК ТЕХНИКУМИ
(Нукус шаҳри, микрорайон, 24-квартал).
Кундузги ўқишга: агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, гидромелиорация ишларини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби.

ҚАРШИ ПОЛИТЕХНИКУМИ
(Қарши шаҳри, Ленин кўчаси, 405-уй).
Кундузги ўқишга: электрстанциялари, тармоқлари ва системалари; саноат ва граждан қурилиши, гидротехник қурилишлар, темир-бетон конструкциялари ва қурилиш деталларини ишлаб чиқариш, автомобилларга техника хизмати кўрсатиш ва ремонт қилиш, қурилишда бухгалтерия ҳисоби, қишлоқ хўжалигида граждан қурилиши.
Сиртқи ўқишга: саноат ва граждан қурилиши, гидротехник қурилишлар, темир-бетон конструкциялари ва қурилиш деталларини ишлаб чиқариш, автомобилларга техника хизмати кўрсатиш ва ремонт қилиш, қурилишда бухгалтерия ҳисоби, қишлоқ хўжалигида граждан қурилиши.

ШАҲРИСАБЗ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ТЕХНИКУМИ
(Шаҳрисабз шаҳри, К. Маркс кўчаси, 28-уй).
Кундузги ўқишга: агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби.
Сиртқи ўқишга: агрономия, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш, гидромелиорация, гидромелиорация ишларини механизациялаштириш, қишлоқ хўжалигида бухгалтерия ҳисоби.

Техникум директори номига ёзилган ариза билан бирга қуйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), 286-формадаги медицина справкаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (кадрлар бўлими бошлиғи ёки корхона раҳбари тасдиқлаган), корхона томонидан берилган йўлланма (ишлайдиганлар учун), 3х4 см ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

ТЕХНИКУМЛАРГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ УМУМИЙ АСОСЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

26 АПРЕЛЬ, ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Зарядка кага сафланинг. 10.05 — Ф. Мендельсон. 1-квартет. 10.30 — Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — Здоровье. 12.45 — Тонгги почта. 13.15 — Қишлоқ янгиликлари. 14.15 — Музиналы киоск. 14.45 — Бугун — бутун жаҳон биродарлашган шаҳрлар куни. 14.55 — Экран дўсталари чорлайди. 15.45 — Халқаро панорама. 16.30 — Бу яқиндагина, буниси эса анча илгари содир бўлган. 18.00 — Хоккей бўйича жаҳон ва Европа чемпионати. 20.30 — Киносеҳатчилар клуби. 21.30 — Время. 22.00 — Хоккей бўйича жаҳон ва Европа чемпионати. 00.15 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Санъат усталари. 11.25 — Ўзбекистон спорти. 11.55 — Мультфильм. 12.00 — Кувноқ стартлар. 13.00 — Биринчи учрашув. Бадиий фильм. 14.25 — Реклама. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ўйлаб топ? 19.00 — Ўзбекистон ССР давлат санъат музейи залдари бўйлаб. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Назм ва наво. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Назм ва наво эшитиришнинг давоми. 21.30 — Время. 22.00 — КПСС XXVI съезди қарорлари—ҳаётга! 22.15 — Совет киноси усталари. 23.35 — Волейбол бўйича олий лига аёллар командалари ўртасида СССР чемпионати.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

27 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Карлос Эспиноланинг кундалиги. Бадиий фильм. 11.20 — Киносеҳатчилар клуби. 12.20 — Концерт. 13.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — Москва давлат симфоник оркестри чалади. 16.05 — Концерт. 16.25 — Спортчилар класси. 17.05 — Рус тили. 17.35 — Мордва санъат усталари ва бадиий коллективларининг концерти. 18.10 — Сиз яратган бог. 18.40 — Беш йиллик ва коллектив. 19.10 — Футбол шарҳи. 19.40 — Останкино концерт студиясида ёшлар кечаси. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол бўйича СССР кубоги учун. 23.45 — Дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

10.20 — Ўқув кўрсатуви. 10.40 — Денгиз жамоли. Телефильм. 11.30 — Ўқув кўрсатуви. 16.05 — Ўсмир ва қонун. 16.35 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Илҳом. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — КПСС XXVI съезди қарорлари ҳаётга. 22.15 — Фильм портрет. 23.15 — Оламда нима гап?

II.

18.40 — Спортланд. Фильм. 19.00 — Ешлик. 19.30 — Сон билан эмас, билим билан. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Қизиқувчилар экрани. 20.50 — Шовқин. 21.05 — Олий математика.

РАДИО

26 АПРЕЛЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. — 8.30 — Баҳор тароналари. 9.15 — Табассум. 11.30 — Э. Воҳидов шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар. 11.50 — Биродарлашган шаҳарлар — дўстлик рамзи. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Асосий йўналишлар сатрларида. 13.30 — Социалистик мусобақа илғорлари учун концерт. 14.00 — Партия аграр сиёсати — амалда. 15.40 — Театр микрофон олдида. 17.45 — Куйлар. 18.15 — Спорт программаси. 19.25 — Танбур, дутор, най тароналари. 20.15 — Музикали салом. 21.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Лирик концерт.

27 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Яхши найфият. 9.15 — Ленин йўлидан. 9.35 — Концерт. 10.15 — Ёзувчилар микрофон олдида. 12.10 — Ўзбекистон индустриальний. 13.00 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 14.00 — Маҳаллий саноатчиликни ихтисослаштириш самаралари. 17.00 — СССР халқ артисти Аброр Ҳидоятов туғилган кунинг 80 йиллигига. 18.15 — Республика аҳолиси бугун ва эртага. 18.25 — Ешлик. 19.25 — Чангда Ф. Харратов ижро этган куйлар.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/IVда **Келинлар кўзғолони**, 29/IVда **Истеҳком**, 30/IVда **Кузнинг биринчи куни**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/IVда **Гулсара** (билетлар сотилган, 29/IVда **Хўжайин**, 30/IVда **Тўйдан олдин томоша**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/IVда **Зада бўлган пайғамбар**, 29/IVда **Чандиқлар**, 30/IVда **Баланд дорга осилма**.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 26/IVда **Африка бегемотлари аттракционининг гастроллари** (13.00, 16.00, 19.30).

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропаганда — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-30; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-54; Андижон — 4-75-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 01958. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. В. — 97. 6